



Посетга

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QONUNCHILIK VA HUKUK-TARTIBOT UCHUN!

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2004 йил 5 август, пайшанба • 32 (3560)-сон

ЖАСОРАТИНГИЗНИ ВАТАН УНУТМАЙДИ!



Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ алоҳида милиция батальони ходимлари – милиция сафдори Ихтиёр ҲАКИМОВ ва милиция сержанти Иброҳим НОРМЕТОВларнинг мардларча ҳалок бўлгани муносабати билан марҳумларнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Халқаро алоқалар

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги га БМТнинг Венадаги Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг терроризмнинг олдини олиш бўйича маслаҳатчиси Д. Солонго ва мазкур бошқарманинг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси маслаҳатчиси О. Зудова ташриф буюришди.

ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Меҳмонларни республика ИИВ ЖҚ ва ТҚҚББ бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги В. Тошматов қабул қилди.

Сўхбат чоғида БМТ вакиллари терроризм ва диний экстремизм кўринишларига қарши кураш борасидаги мамлакатимиз қонунларининг

таҳлил ва мониторинги, шунингдек, ҳар икки томонни қизиқтирган бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўз навбатида Ўзбекистон томони ҳамкорлик ривожлантиришдан мамнун эканлиги-

ни изҳор этди, расмий ва конфедециаль ахборот алмашиш, бевосита терроризм ва экстремизмга қарши кураш билан шуғулланувчи бўлинмаларга самарали техник ёрдам кўрсатиш борасида алоқаларни янада ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Учрашувда республика ИИВ ЖҚ ва ТҚҚББнинг қатор бошқармалари раҳбарлари иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.

УШБУ СОНДА:

ДУНЁ ҲАФТА
ИЧИДА



4

ТАСКИН



5

ДИЙДОР ҚИЁМАТГА
ҚОЛДИ

6

ҒАРОЙИБ
ТЕПАЛИКЛАР



16

МУНАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ


17

ФУТБОЛ
(Ҳафта)

21

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

Инсон умри мисоли
сувдаги ой акси:
омонат, омонат...



«Посетга» газетасининг иловаси
УСИНЧИ
+
ОЛАМ

HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI

Жасоратингизни Ватан унутмайди!

ҚАЛБЛАРДА МАНГУ ЯШАР

Маълумки, шу йилнинг 30 июль куни Тошкент шаҳрида террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Пойтахтимизда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси биносининг кириш қисми, Исроил ҳамда АҚШ давлатлари элчихоналари ҳудудларида террорчилар ўзини-ўзи портлатиб юбориши оқибатида бир неча киши яраланди, бир милиция ва бир нафар Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ҳалок бўлишди.

31 июль куни Тошкент тумани, Тошкент ширкат хўжалиги "Шамсиобод" маҳалласида ана шу ёвузлик қурбони – Республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ алоҳида милиция батальони милиционерлари, милиция сафдори Ихтиёр Ҳақимовнинг дафн маросими ўтказилди.

Республика Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилиб, уларга сабр-бардош тилади. Батальон командири, милиция подполковниги А. Эгамбердиев эндигина 23 баҳорни қаршилаган ходимнинг ҳалок бўлиши хизматдошларини қаттиқ қайғуга солганини таъкидлади. Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий А. Баҳромов шахид бўлган Ихтиёрнинг ҳақиқига қуръон тиловат қилди.

Ихтиёр Ҳақимов 1981 йил 9 апрелда Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида туғилган. Болалиги Тошкент ва Юнусобод туманларида ўтди. Бахтиёр ака ва Мапрат аяларнинг тўнғич ўғли бўлган Ихтиёр ёшлигидан меҳнаткаш, тиришқоқ бўлиб вояга етди. Ўрта мактабни тамомлагач, Куролли кучлар сафида хизмат қилди. Ҳарбийликда чиникиб, милиция ходими бўлишга аҳд қилди ва 2003 йилнинг март ойида Тошкент шаҳар ИИББ бошланғич тайёрлов мактаби тингловчилигига қабул қилинди. Ўша йилнинг декабрь ойидан эса Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ алоҳида милиция батальони милиционерлари сифатида хизматини давом эттириб келаётганди.

– Ихтиёржондек қадрдон дўстимиздан айрилиб қолганимизга ҳеч ишонгим келмайди, –

дейди Юнусобод тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими милиционерлари, милиция кичик сержанти Жаҳонгир Йўлдошев. – У билан синфдош эдик. Мактабда фанлардан фақат аъло ва яхши баҳоларга ўқирди. Кўлидан келганча ҳаммага ёрдам берарди. Жиддий ва теран фикрли йигит эди. Бу йил Тошкент юридик коллежини тугатиб, ИИБ Академиясига ўқишга кирмоқчи бўлиб юрганди. Куз фаслида уйланишни ҳам ният қилиб қўйганди. Афсуски, барча орзулари ўзи билан кетди. Ёвуз ниятли кимсаларнинг қилмиши бир гўзал қизни бахтли этиши мумкин бўлган, бир оиланинг мустақам устун бўла оладиган ажойиб дўстимиздан айирди. Унинг жойи жаннатда бўлсин. "Чимилдиқни кўрмаган болам!"... Жуда аламли. Ҳеч қайси ота-она ўз жигаргўшасининг тобутини кўтармасин экан...

Орадан икки кун ўтиб, республика шошилинич тез тиббий ёрдам марказининг жонлантриш бўлимида оғир аҳволда ётган Ихтиёржон Ҳақимовнинг хизматдоши Иброҳимжон Норметов ҳам вафот этди.

Дафн маросимида республика

Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров вазирлик раҳбарияти номидан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди.

Республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ бошлигининг 1-ўринбосари, милиция подполковниги Р. Аширматов, марҳумнинг сафдоши, милиция катта сержанти М. Сатторов, синфдоши А. Тўйчибоевлар Иброҳим Норметовнинг хизмат фаолияти ҳақида гапириб, унинг ишини давом эттиришга, хотирасини қалбларда мангу сақлашга сўз бердилар.

Милиция катта сержанти Иброҳим Норметов 1968 йил 2 апрелда Тошкент вилояти, Қибрай туманида туғилган. Ўрта мактабни тамомлагач, ҳарбий хизматга чақирилди. Хизматни тугатиб қайтган Иброҳим милиционерликни танлади ва Республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ ҳузуридаги алоҳида милиция батальонига ишга кирди. Умрининг охиригача шу жойда хизмат қилди.

– Иброҳимжон ўз ишига масъулият билан ёндошадиган ходим эди, – дейди батальон командири ўринбосари, милиция капитани О. Йўлдошев. –

У хизмат давомида бир неча марта раҳбарият томонидан рағбарлангирланган.

Ўша машъум террорчилик ҳаракати содир этилган куни Иброҳим ва Ихтиёр оғир жароҳатлари билан республика шошилинич тез тиббий ёрдам марказига ётқизилганди. Лекин биз сафдошларимиздан айрилдик. Аммо уларнинг ҳамкасблари, дўстлари террорчиларга қарши курашда фаол иштирок этавердилар.

Бугун Умри онанинг фарёди чексиз. Беш нафар фарзандининг тўнғичи бўлган Иброҳимжон энди йўқ. Укаси Илҳом, сингиллари Гулноза, Дилфуза, Ферузларга ота вафотидан кейин бош бўлган суянқиқлари ҳаётдан бевақт кўз юмди. Гулбаҳорни бева, икки фарзандини етим қилган террорчиларни барча лаънатлаб ўтади. Иброҳимнинг ушалмай қолган орзуларини укалари, сингиллари, фарзандлари рўёбга чиқаришларига шубҳа йўқ.

Хизмат вақтида ҳалок бўлган Ихтиёр Ҳақимов ва Иброҳим Норметовларнинг хотираси яқинлари, дўстлари, ҳамкасблари қалбда мангу яшайди.

Қобилжон ШОКИРОВ.

ЁВУЗЛАР НИЯТЛАРИГА ЕТОЛМАЙДИЛАР

Мамлакатимиз пойтахтида содир этилган террорчилик ҳаракатлари туманимиз аҳлини қаттиқ изтиробга солди.

Мен 30 йилга яқин ички ишлар идораларида хизмат қилиб, нафақага чиққанман. Ҳозирги кунда Фарғона тумани электр тармоқлари идорасида ҳуқуқшуносман. Ҳудуд Қирғизистон Республикасининг Қадамжой тумани билан чегарадош. Мамлакатимизнинг сўлим масканларидан бири бўлган Шохимардонга Қирғизистон орқали ўтилади. Бу маскан ёз бўйи дам олувчилар билан гавжум бўлади. Айрим зиёратга келувчилар чегарада хизмат ўтаётган ҳуқуқ-тартибот идораларининг тегириб ўтказишларига эътироз билдиришади. Уларга жавобан шуни айтмоқчиманки, пойтахтимизда мудҳиш кўпурувчилик ҳаракатларини содир этган ёвуз кучлар биз томонда ҳам изгиб юрмаслигига ким кафолат беради? Ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан, милиция ходимларининг чегара ҳудудида назоратни кучайтирганликлари Ватанимиз, қолаверса, ҳаммамизнинг осойишталигимиз, хавфсизлигимизни таъминлаш учун қилинган. Ҳозирги давр ҳар биримиздан ҳар дақиқа огоҳ ва ҳушёр бўлишни тақозо этмоқда. Юртимиз тинчлиги, ўз хавфсизлигимиз учун биринчи навбатда, ўзимиз масъул эканлигимизни унутмайлик!

Қаҳрамон КАРИМОВ,
ички ишлар идоралари фахрийси.

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ГАРОВИ

Ватанимизнинг энг жанубий сарҳади – Сурхондарё вилоятининг Музрабод туманида ўнлаб миллат вакиллари инок, аҳил яшаб, меҳнат қилишади. Ҳамма ўз иши билан машғул. Айниқса, дала юмушлари қизгин кетяпти.

– Эл осойишталигини таъминлаш, бу борада фуқаролар фаоллигини оширишга катта эътибор қаратилган. Маҳалла фуқаролар йиғинлари, посбон тузилмалари вакиллари, фаоллар, кенг жамоатчилик бу ишга жалб этилган, – дейди туман ИИБ бошлиғи, "Жасорат" медали соҳиби милиция майори Аъзамжон Саъдуллаев. – Бугунги кунда ҳушёрлик, ҳар бир воқеа – ҳодисага зийраклик билан муносабатда бўлиш ҳаммамизнинг асосий вазифамизга айланди. Тошкентда содир этилган портлашлар ва уларга сабабчи бўлган кимсаларни ҳалқимиз лаънатламоқда. Фуқароларимиз бизга келиб, туман осойишталигини таъминлашда ҳаммаша кўмакдош бўлишларини билдиришяпти. Биз бундан жуда хурсандимиз.

Бирлик, тотувлик осойишта, тинч ҳаёт гарови эканлигини ҳаммамиз бирдек ҳис қилганимиз ёвузлик тилочининг нияти амалга ошмаслигидан далолатдир.

Сафар ОМОНТУРДИЕВ.

МАСЪУЛИЯТ ЮКИ

Эл-юрт тинчлиги, осойишталигини таъминлаш борасида Қашқадарё вилояти Миришкор тумани ички ишлар бўлимида ижобий силжишларга эришилмоқда. Туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Фарҳод Курбанов билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

– Халқимиз азал-азалдан тинч ва осуда яшашни орзу қилиб келган, – деди Фарҳод Курбанович. – Шундай экан, эл тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек шарафли вазифани бош мезон деб тушунамиз. Шуни айтиш керакки, ҳар қандай жиноятни фош этишдан кўра унинг олдини олган афзалдир. Туманимиз республиканинг энг чекка ҳудудларидан бири бўлиб, кўшни Туркменистон билан чегарадош. Шу боис, осойишталигини таъминлаш осон кечмайди.

Гапни мухтасар қилиб айтадиган бўлсам, бугунги кунда эл осойишталигини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ҳар бир милиция ходими фидойилик кўрсатиши, одамларнинг ўзларига нисбатан ишончини мустақамлашлари лозим. Жамиятда адолат ва қонун тантана қилиш учун фаол курашчи бўлишимиз зарурлигини шиддатли давр тақозо этмоқда.

Айниқса, куни кеча пойтахтимизда содир этилган хунрезликлар чексиз нафратни келтириб чиқарди. Ҳалок бўлган ҳамкасбларимиз оилаларига ҳамдардлик билдириб қоламиз.

Баҳром УМИРОВ
ёзиб олди.

Хизматларда

ҲУШЁР ВА ЗИЙРАК ЙИГИТЛАР

Ўзбекистон Республикаси автомобилли саноятининг қаноти ҳисобланган Асака шаҳридаги "ЎзДЭУавто" кўшма корхонаси ишга тушганига 8 йил тўлди. Шу давр мобайнида корхонада 320 мингдан ортиқ "Дамас", "Тико", "Нексия", "Матиз" ҳамда "Ласетти" русумидаги автомобиллар ишлаб чиқарилди.

Асака шаҳар ИИБ ҳузурида мазкур иншоотни кўриқлаш бўйича милиция бўлими ходимлари фаолият кўрсатишяпти. Улар асосан ташмачилик,

ўғрилиқнинг олдини олиш билан бирга, жамоат тартибни сақлашни, маҳсулотлар олиб кирилишига йўл қўймаслик ва олиб чиқиб кетилишини назорат қиладилар. Қарийб 55 гектардан ортиқ майдонни ўз ичига олган мазкур корхона ҳудудида милиция кузатув масканлари мавжуд.

Шахсий таркибнинг хизмат давомида ҳушёрлигини ошириш мақсадида бўлим раҳбар ходимлари бир қатор ўқув машғулотларини ўтказиб келиш-

моқда. Ходимларнинг машғулотлар пайти ҳаракатлари таҳлил қилиниб, йўл қўйилган хато ва камчиликлар му-

ҳокама қилинмоқда. Кенг қамровли "Анти-террор", "Арсенал", "Орият", "Қорадори", "Қидирув" ва бошқа

тадбирларда ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Шунингдек, ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлигини таъминлаш борасида олиб борилган суриштирув ишлари натижасида, ўз яшаш жойларидан узоқ вақтдан буён номаълум томонларга бемақсад чиқиб кетган шахслар ҳақида аниқ маълумотлар олинган. Уларни тегишли тартибда текшириш учун ўзлари яшаган шаҳар, туман ИИБларига алоқа хатлари жўнатиляпти.

Ҳозирги кунда ходимлар томонидан корхона ҳудуди ва ён атрофда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар давом этмоқда.

Мурод САЛИМОВ,
милиция майори.

Суратда: «ЎзДЭУавто» кўшма корхонасини кўриқлаш бўйича милиция бўлими ППХ ротаси командири, милиция майори Р. Мамасев (ўртада) ППХ милиционерлари, милиция сержанти Ш. Мамаюнусов, взвод командири, милиция лейтенанти У. Юсупов ва милиция сержанти Б. Мадаминов билан суҳбатлашяпти.

Борис КЛЕЙМАН
олган сурат.



Маърифат дарси

Жамиятни бошқаришда нодавлат ташкилотлар, биринчи навбатда, сиёсий партиялар ролига етарли баҳо бермаслик ёки уларнинг эркин фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратмаслик бошқарув тизимидаги муаммолар юкининг янада оғирлашуви, давлатнинг халқдан бегоналашуви олиб келиши мумкин.

Айни кунда республика-мизда бешта сиёсий партиялар, жумладан, Халқ демократик партияси, Миллий тикланиш партияси, Адолат социал-демократик партияси, Фидокорлар миллий-демократик партияси, Либерал-демократлар партияси фаолият кўрсатяпти.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида сиёсий партиялар тинчлик-тотувлик тарафдорлари бўлиб, амалдаги сиёсатни ёқлаш билан кифояланиб қолаётганликлари, ислохотлар ривожини учун жўяли бир фикр билдирмаётганликлари, аслида муайян ижтимоий қатламнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ўрнига баландпарвоз шиорлар билан ўралашиб қолишаётгани танқид қилинди.

Партия ташкилотлари ўз иш услубини тубдан қайта қуриш кераклиги, аниқлик, ишчанлик, изчилик, сўз билан иш бирлиги, энг самарали услуб ва воситаларни танлаш, кишиларнинг фикр-мулоҳазаларини диққат билан инобатга олиш, барча ижтимоий кучлар ҳаракатини моҳирона уйғунлаштириш партияларнинг асосий белгилари бўлмоғи лозим кўрсатиб ўтилди.

Бугунги кунда ҳар бир партия янгиланиш муҳитида яшамоғи керак. Бу ишни барча фидойи инсонларнинг куч-райрати билангина, ҳамма поғоналарда малакавий раҳбарлик тамойилини амалга ошириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни, ишга масъулиятли муносабатни авж олдириш орқалигина амалга ошириш мумкин. Уларнинг ҳужжатларида ифодаланган қоида ва кўрсатмалар, йўл-йўриқлар шунга эришишга қаратилган бўлиши керак. Лекин ҳозирда партияларнинг иш услублари шундаймикан?

Партиянинг халқ орасидаги обрўси ўз ғояларига оммани қай даражада

ишонтира олишига боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида унинг яшаш тарзини ҳам белгилайди. Бинобарин, ўз фаолияти давомида бир лаҳзагина бўлса-да, ҳаракатдан тўхтамасликни тақозо этади. Аслида ана шундай бўлмоғи ҳам лозим. Афсуски, барча партия ташкилотлари фаолияти ҳақида бундай фикрларни айтиш қийин. Дейлик, айрим партия ташкилотларида интилиш ва ҳаракатлар сезилмаяпти.

Ахир бугун лоқайд бўлиш, хотиржамлик ва бепарволикка йўл қўйиш,

юртдошларимиз ҳатто нечта партия мавжудлигига, уларнинг вазифалари нималардан иборат эканлигини билишмайди.

Мазкур масалаларни ҳал этиш бир томондан, партия ички демократиясини янада кенгайтиришга, биринчи навбатда бошланғич партия ташкилотларининг ташаббуси ва фаолигини оширишга, иккинчи томондан, уларнинг умумий ишларни ҳал қилиш учун масъулиятини тўлиқроқ ҳис қилишга ундайди. Партиянинг тарғибот-ташвиқот ишлари жамоатчилик фикрига

сезилмоқда. Партия бошқарувида ҳар бир кадрда ижобий ўзгаришлар бўлиши учун уларни танлаш ва қайта тайёрлашнинг энг мақбул усулини қўллаш катта аҳамиятга эга. Марказий кенгашларда раҳбар томонидан тажрибали ходимлар билан бирга амалий ишда ўзини кўрсатган қобилиятли ташкилотчи, истиқболли ёшлардан ҳам фойдаланиш ва уларнинг тажрибасини ошириш изчил йўлга қўйилиши керак. Кейинги вақтда масъул соҳаларга талайгина ёш мутахассис-

шакллари маърифий тус ола бошлаган. Шу маънода, сиёсий партиялар жамиятни демократик тамойиллар асосида қайта қуришнинг муҳим таркибий қисмига айланди. Зеро, сиёсий партиялар барпо этилишидан кўзланган асосий мақсад — ғоявий жиҳатдан уюшган кишилар томонидан, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш йўлида, биргаликда кураш олиб бориш воситасига эга бўлишдир.

Мавжуд партияларнинг ҳар бир вакилик аъзоси ўз иш жойида, далада, фермада, дастгоҳ, олдда, қурилиш майдончасида, ўқув юртида, илмий текшириш, соғлиқни сақлаш, маданият муассасасида, давлат идорасида, хуллас ҳамма жойда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш лозим.

Сиёсий партиялар халқ билан сиёсий ҳокимият ўртасидаги

муҳим боғловчи бўғин ҳисобланади. Сиёсий партиянинг ҳокимият ва бошқарув тизимларида раҳбарлик лавозимларига ўз вакиларини сайлаш, тайинлаш ҳамда уларнинг кадрлар сиёсатини ишлаб чиқариб, уни оғишмай ҳаётга татбиқ этишга эришиш асосий вазифаси ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, жорий йилда қонунчилик органи — парламентга кўппартиявийликка асосланган сайловнинг ўтказилиши ўз вақтида муҳим қадам бўлди. Шу билан бирга иқтисодий ва фуқаролик жамиятининг ривожланиши кенг кўламга ёйилди. Бу партиялар ва ҳаракатлар ўртасида янада шиддатли курашни вужудга олиб келишини тақозо этади. Шу сабабли ҳам ҳар бир партия юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислохотларга баҳоли-қудрат кўмак бериши ва унинг фаол иштирокчисига айланиши учун астойдил ҳаракат қилишини давр, тараққиёт талаб қилмоқда. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ижтимоий ҳаётни демократлаштиришда сиёсий партияларнинг ислохотчилик роли ана шуларда кўрилади.

Нодир ДҮСМАТОВ,
республика "Маънавият ва маърифат" маркази
масъул ходими.

ЯНГИ ИМКОНИЯТ ВА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

шидат билан ўзгариб бораётган замондан ортада қолиш мағлубият билан баробар. Партияларимизда мавжуд энг катта камчилик, ўз вазифаларини аралаштириб юборилиши, дастурларида амалга оширилиши керак бўлган ишларнинг бир хиллигига йўл қўйилганлигидир. Асосийси, уларда халқ билан ҳукумат алоқасини боғлашдек улкан вазифаларни амалга ошириш ортада қолиб кетаверган.

Бу вазифа четга сурилиб қолаверар экан, жамиятда партияларнинг етакчилик ҳаракатини тасаввур қилиб бўлмайди. Аслида, уларнинг Низомидаги ўзгартишларга алоқадор таклифлар, демократик жамият қуришдаги ролини ошириш, партия ички демократиясини ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак. Партия ички демократиясини миллий истиқдол руҳида тузиб чиқиши керак бўлади. Долзарб муаммоларнинг очикчасига, кескин қўйилиши, умумий ишимизга ҳалақит бераётган барча нарсаларни тагтомири билан йўқотишга хизмат қилади.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида сиёсий партиялар раҳбарлари, уларнинг барча бўғинлари фаолиятига тегишлича баҳо берилди. Сиёсий партияларнинг халқ олдидаги бурчи ва мажбуриятлари тўлақонли англаб олинмагани учун ҳам айрим

таянган ҳолда, мустақамланган бўлиши лозим. Ҳар қайси партия раҳбари, унинг ҳар бир аъзоси ўз иши учун шахсий масъулиятини ошириш тақозо этилади.

Айниқса, ёшларнинг фан-техника тараққиёти, ахборотлаштириш ва ишлаб чиқаришни мукамал билишлари, жамият ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий юксалишининг тезлаштирилиши учун партия бошланғич ташкилотлари Низомида дастурий талаблар руҳи акс этиб турмоғи зарур. Керак бўлса, партия раҳбари бошланғич ташкилотларда назоратни кучайтириши лозим бўлади. У партиянинг роли ва масъулиятини оширишга, унинг ички демократиясининг кенгайишига, ҳар бир партиядан бир-бирига ўхшамаган ўз иш услуби ва тартиблари оғишмай такомиллаштириб боришга қаратмоғи даркор.

Сиёсий партия жамиятда ўз ўрни, обрўси ва имкониятларини муваффақиятли амалга ошириши учун ўз аъзоларининг маънавий-маърифий, сиёсий фаолиги даражасини кундан-кунга ошириб бориши, уларнинг ҳар бирида чинакам сиёсий курашчи хислатларини қарор топтириш керак бўлади.

Бугунги кундаги яна бир жиддий масала — ҳар бир партия аъзосининг поклиги ва софлиги учун кадрлар сиёсатини қайта кўриб чиқишга эҳтиёж

лар қўйилди. Сиёсий бошқарувларда ҳам уларнинг ролини мутассил ошириб бориш фойдадан ҳоли эмас. Ёшларнинг ижодий имкониятлари жамиятни ривожлантиришни тезлаштиришга қанчалик изчил сафарбар этилса, партия аъзосининг ўз ишига виждонан ёндошиши шунчалик ортиб боради. Партия аъзоси деган номни, унинг аҳамиятини ошириш ва сиёсий партиянинг мустақам, саботли бўлишига, партиянинг ҳар бир вакили масъулдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мустақил давлатимизнинг демократик йўл билан сайланган биринчи парламентида. Ўзбекистонда қарор топаётган кўппартиявийлик сиёсий тизими демократик жамиятнинг асосий туб белгиларидан бири ҳисобланади. Жамиятда сиёсий партияларнинг бўлиши ва иш олиб бориши шунчаки оддий, қандайдир тақлидпарастликдан иборат нарсас эмас. Улар амалда деярли барча даврлар ва мамлакатларда мавжуд бўлган, яъни жамиятда сиёсий ҳокимиятнинг вужудга келиши билан бирга, юзага келгандир. Ҳокимиятга таъсир ўтказиш ва унинг таянчи ёки муҳолифи бўлиш ҳамма вақт бундан манфаатдор кучлар учун зарурдир. Жамият тараққиётида демократик тартиботларнинг ўрнатилиши бориши билан ушбу ижтимоий вазифаларнинг

Парагвай пойтахти четидаги "Икуа Бо-ланьос" супермаркетда юз берган ёнгин фожиали оқибатларга олиб келди.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



ABC (Эй-Би-Си) News телекомпаниясининг хабар қилишича, федераль ва Нью-Йорк шаҳри ҳокимиятида ишончли манбалардан бир қатор маълумотлар олинган. Уларга кўра "Ал Қоида" ташкилоти шаҳар ҳудудида янги террорчилик ҳаракатлари содир этишни режалаштирган.

МИЛЛИЙ МОТАМ

Маълумотларга қараганда 350 дан зиёд киши тириклайин ёниб кетган, "Эстаду" ахборот агентлигининг хабар қилишича, бинонинг устунлари қулаб, кўп одамни том босиб қолган. Мамлакат Президенти фожиа юз берган жойга келди. У ўлганларнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдирди.

Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, супермаркет қоровуллари хариддорлар фурсатдан фойдаланиб товарларни талон-торож қилиши, пулни тўламай олиб кетишидан чўчиб, асосий ва қўшимча чиқиш йўлларини тўсиб қўйишган. Ҳатто ёнгини ўчириш учун етиб келган ўт ўчирувчиларга ҳам қаршилик кўрсатишган. Супермаркет маъмурияти буни рад этаяпти. Ҳозирда савдо марказининг эгаси, унинг ўғли ва беш нафар кўриқчи ҳибсга олинган.

Дастлабки маълумотларга кўра, фалокат пайти супермаркетда 700 га яқин киши бўлган. Ёнгин савдо марказидаги ресторанлардан бирида газ баллони портлашдан келиб чиққан. Парагвайда уч кунлик мотам эълон қилинди.



АЙБДОР УНИНГ ЎЗИ

Германиянинг Мулгейм шаҳрилик 71 ёшли Элси Вейс кечаси алламаҳалгача ухлай олмади. Унга ташқаридан эшитилаётган, кулоқни коматга келтирувчи мусиқа овози уйку бермасди. Охири тоқати ток бўлиб, полицияга кўнғироқ килди.

Осойишталик посбонлари кўп ўтмай етиб келишди. Аммо воқеа жойида уларни "сюрприз" кутарди. Қарашса, боғда кимдир радиоприёмникнинг овозини кўтариб қўйиб кетган экан. Атрофида бирор зог йўқ. Буни қарангки, радиоприёмникнинг эгаси Элси Вейс хонимнинг ўзи бўлиб чиқди. Эҳ, паришонхотирлик курсин. Кексалик-да...


ТЕРРОРЧИ ТИНЧИМАЯПТИ

Йирик компанияларнинг Уолл-Стритта жойлашган офислари террорчилар нишонига айланиши мумкин экан. Тахминларга кўра, кўпуровчилар ўз режаларини амалга оширишда портловчи моддалар ортилган юк машиналаридан фойдаланишмоқчи. Бу гал ташқари кўринишидан европаликларга ўхшаб кетадиган шахслар орқали иш кўришмоқчи.

Уларнинг Мексика орқали кириб келиши кутиляпти. Шундай жангарилардан бирини махсус хизмат ходимлари қўлга олишди. У покистонлик аёл киши бўлиб, Техасда ушланди. Ёнидан қалбаки паспорт, 7 минг АҚШ доллари ва Нью-Йорккача авиачипта топилган.

"Разведка маълумотларига қараганда, – дейилади Нью-Йорк полиция департаментининг баёнотида, – "Ал Қоида" АҚШ ҳудудидаги тижорат, молия идоралари ва халқаро ташкилотларга қарши террорчилик ҳаракатлари уюштиришга тайёргарлик кўраёпти. Шунинг учун компаниялар ва жамоатчилик ташкилотларининг хавфсизлик хизматларига эҳтиёт чораларини кучайтиришни, бинолардаги вентиляция тизимларини, уларга яқин жойлашган автотранспорт воситалари турадиган майдонларни текшириб кўришни тавсия этамиз".


Вашингтондаги Капитолий атрофида эҳтиёт чоралари кучайтириляпти. Халқаро валюта фонди, Бутунжаҳон банки, Федераль захира тизими, АҚШ Молия вазирлиги биноларини кўриқлаш такомиллаштирилмоқда.



СОБИҚ ДИКТАТОРНИНГ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?

Саддам Ҳусайннинг саломатлиги ҳақида турли миш-мишлар юрибди.

Ироқдаги мусулмон уламолари кўмитасининг Интернетдаги сайтыда собиқ диктаторнинг инсульт бўлгани, клиник ўлимни бошдан кечиргани ҳақида маълумотлар берилди.



Турли гап-сўзларга жавобан расмий Ироқ куйидагиларни маълум қилди. Ҳусайнга ҳар куни тиббий хизмат кўрсатилади. Унинг аҳволи суд мажлисларида қатнашиш имконини беради. Мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари бўйича вазири Бахтиёр Амин Саддам инсульт бўлгани ҳақидаги хабарни рад этди. Вазирнинг сўзларига қараганда, Ироқнинг собиқ раҳбари сурункали простатит, гипертония касалликларига чалинган, уни кўзи ҳам бир оз безовта қилиб туради.

Саддам Ҳусайннинг саломатлиги ҳақида турли миш-мишлар юрибди.

БИЗНЕСМЕН... ЎЛМАДИ


Яқинда Прага шаҳри марказида кучли портлаш юз берди. Оқибатда 18 киши, жумладан, бир бола жароҳатланди. Жабрдийдаларнинг кўпчилиги хорижликлар. Уларнинг аксариятига воқеа жойининг ўзида зарур тиббий ёрдам кўрсатилди. Аммо бир неча кишини касалхонага ётқиришга тўғри келди. Ҳалок бўлганлар йўқ.



Сўнгги маълумотларга қараганда, савдо маркази ёнидан ўтиб кетаётган автомобиль ичида ўтирган жиноятчи граната улоқтирган. У бошқа бир машина остига думалаб бориб портлаган. Прага мэри Рудольф Блажекнинг айтишича, бу террорчилик ҳаракати эмас. Полиция хабарига кўра,

жиноий гуруҳлар ўзаро муносабатларини "ойдинлаштиришмоқчи" бўлишган. Аниқроғи, ёлланма қотиллар Royal қиморхоналар тармоғи хўжайини Ассаф Абулбулун ўлдиришга уринишган. Чехия полициясининг тасдиқлашича, унинг ўзи жиноят оламида обрўдор ҳисобланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари амалга ошмаган қотиллик ташкилотчилари ва ижрочиларини изляяптилар.



БОШ КОМПЬЮТЕРЧИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Покистонда бирин-кетин "Ал Қоида" террорчилик ташкилотининг кўзга кўринган вакилларини қўлга олишяпти. Мамлакат вазирларидан бирининг айтишича, яқинда террорчилар учун компьютер дастурларини тайёрлаб берувчи шахс ушланди. Айтишларича, у ташкилотнинг бош компьютерчиси экан. "Ноёб" мутахассиснинг асл исми-шарифи ҳозирча сир тутиляпти. Покистон ҳукумати вакиллари қўлга олинган шахс террорчиларнинг АҚШ ва Буюк Британияга қарши тузган режаларидан хабардор, деб журналистларни ишонтиришга уринишяпти.

Бу "ноёб" мутахассис анчадан буён қидирувда эди. Уни яқинда қўлга олинган, бин Лоденнинг яқин сафдоши ҳисобланган Аҳмад Халфан Файлонийнинг компьютери ёрдамида тутиш имкони туғилди. Покистон оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, битта эмас, иккита дастурчи қўлга олинган эмиш...

БАСАЕВНИНГ РЕЖАЛАРИ

"Время новостей" нашрида ёзилишича, Шомил Басаев Грозний, Гудермес каби Шимолий Кавказдаги қатор шаҳарларга ҳужум уюштиришни режалаштирган. Унга кўра жангарилар аввал Доғистондаги уч аҳоли пункти, жумладан, Кизлярни эгаллашга ҳаракат қилишлари лозим бўлган. Россия федераль кўшинларининг асосий кучлари бу пунктларга жўнатилгач, террорчилар Грозний ва Гудермес каби йирик шаҳарларга ҳужум қилишни режалаштиришган.

Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, яқинда "Альфа" махсус бўлинмаси ва Доғистон милиционерлари Кизлярда жангариларнинг разведка гуруҳини йўқ қилгани ҳам бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Басаевнинг топшириғига кўра улар разведка ишларидан ташқари маҳаллий аҳоли орасидан тарафдорлар ёллаш билан ҳам шуғуллинишлари керак эди. Разведкачилар орасида "нўгай батальони" командирларидан бири Улуби Елгушиев ҳам бўлган.

Басаевчилар ўз фаолиятларини кучайтираётгани, Чеченистон президентлигига сайлов бўладиган куни – 29 августда Грозний шаҳрида террорчилик ҳаракатлари содир этишни режалаштириётганлари ҳақида бошқа маълумотлар ҳам бор.



ТАРТИББУЗАРЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Душанба Москва шаҳри милицияси учун "огир" кун бўлди. Коммунистлар Давлат Думаси биноси ёнида имтиёзларни пул тўловларига алмаштиришга қарши митинг уюштирилди. Кундуз соат 11.00 ларда эса Националь-большевиклар партиясининг бир гуруҳ аъзолари Россия Соғлиқни сақлаш вазирлиги биносига бостириб киришди. Улар аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатилишини талаб қилишди. Кўп ўтмай етиб келган махсус милиция бўлинмаси ходимлари тартиббузарларни қўлга олишди.



Миннатдорчилик

РАҲМАТ СИЗГА, БИРОДАР!

Яқинда тўй тараддуди билан кўшни Қизриқ туманидаги мол бозорга новвос олиб борган эдим. Уни 155 минг сўмга сотиб, пулни елим халтага жойладим-да бозор айлана бошладим. Шу пайт кимдир қўлимдаги халтани юлиб қочди. Мен “ўғрини ушланглар!” дея унинг ортидан югурдим. Ҳеч қанча вақт ўтмай, бақувват бир йигит ўғрини қўлга олди.

Ўғри Ангор туманида яшовчи Н. Абдуғаффор бўлиб чиқди. Уни ушлаган йигит эса Қизриқ тумани ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи, милиция катта лейтенанти Асқар Эргашев эканлигини билиб олдим. Унинг хушёрлиги, қаққонлиги ва касб маҳорати туфайли пулларим ўзимга қайтарилди.

Оиламиз аъзолари номидан Асқар Эргашевга самимий миннатдорчилик билдираман.

Н. ПҮЛАТОВ.

Жўрақўрғон туманидаги
И. Тўранов номли маҳалла.

Саккиз яшар қизчамиз Нодира ўйнаб юриб, каналга тушиб кетибди. Болаларнинг қий-чувини эшитиб, хушёр тортган милиция ходими ўйлаб ўтирмай ўзини сувга ташлаб, боламизни олиб чиқибди.

Суриштирсак, бу жасур йигит милиция сержанти Мирзабек Гаффоров экан. Оиламиз номидан унга миннатдорчилик билдириб, хизматида улкан муваффақиятлар тилайман.

Шерали НАВРҮЗОВ,

Жиззах шаҳри “Қўтарма” маҳалласи.

Акс садо

ҲАЙДОВЧИГА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

чиқариши мумкин. Баъзи жойларда пиёда юрадиган йўлакчалар йўқлиги туфайли одамлар йўлнинг машиналар қатнайдиغان қисмидан юришга мажбур бўлмоқдалар.

Асака тумани ва шаҳрида аҳоли зич яшайди. Айниқса, жума ва якшанба кунлари ҳаракат ниҳоятда тигиз бўлади. Умуман, бизда аҳолига хизмат қиладиган давлат автобуслари йўқ ҳисоби. Йўловчиларни “Дамас”, “Тико” ва бошқа автомобилларда киракаш ҳайдовчилар манзилларига элтадилар. “Дамас”ни бошқараётган ҳайдовчиларнинг аксарияти ёш йигитлар. Ҳайдовчилик гувоҳномаси олибоқ, рулга ўтиришяпти.

Ҳали етарли тажриба ва малакага эга бўлишмагани туфайли содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисасининг 70 фоизи улар ҳиссасига тўғри келмоқда. Жорий

йилнинг олти ойида шаҳар бўйича 12 та кўнгилсиз воқеа қайд этилган бўлса, унинг саккизтаси “Дамас” ҳайдовчилари томонидан содир этилган.

Демак, хусусий автомашина эгалари ёки ижарачи ҳайдовчилар йўловчи ташишга чиқарар экан, аввало, масъулиятни унутмасликлари керак. Токи ўз шахсий манфаатини ўйлаган, кўпроқ пул ишлаш ниятида йўлга чиққан уқувсиз ҳайдовчи бошқа автомашиналар, қолаверса, ўзлари бошқараётган автомашинадаги йўловчилар умрига зомин бўлмасликлари лозим.

Шу ўринда ижарага автомашина берган кишилар ҳам ўз ҳайдовчилари ва машиналарни эътиборсиз қолдирмасликлари зарур. Улар ҳали одам ва юк ташиш, умуман автомашинани бошқаришда етарли

тажрибаси бўлмаган ёш йигитларга ишониб, ўзларининг автомашиналарини бериб қўйишмоқда. Оқибати эса маълум.

Газетада “Кимни айблайсиз?” сарлавҳали мақолада йўл назоратчиларининг қонуний талабларига бўйсунушни хоҳламаган, товар-моддий бойликларни четга олиб чиқиб кетаётган шахслар тилга олинган. Улар ўз шахсий манфаатларини кўзлаб, айрим ноқобил ҳайдовчиларни йўлдан уриб, алюмин, мис, нефть маҳсулотларини ноқонуний четга ташиб чиқаётгани етмагандек, йўл назоратчиларига тош отганига нима дейсиз? Бундай ҳолатлар онда-сонда бўлса-да, бизда ҳам учраб туради. Лекин уларга қонун талаблари асосида чора кўрилади.

Газета саҳифаларида бундан кейин ҳам ана шундай баҳсга чорловчи мунозарали мақолаларни чоп этиб борилишини истардик.

Исмоилжон КАМОЛОВ,
Асака шаҳар ИИБ ЙҲХБ
гуруҳи инспектори,
милиция майори.

Баҳодир МАҚСУДОВ,
амалиёт нозири, милиция
катта лейтенанти.

Ҳаёт фалсафаси

ТАСКИН

Нигора ўзига келганида аъзойи бадани чидаб бўлмас даражада оғриётганди. У кўзини очиб қаерда ётганини тушунмади. Боягина Сардор акасига тушлик тайёрлаётган эди-ку. Оғриққа чидалмай ён томонга ўгирилмоқчи бўлганди, тепасида турган оқ халатли йигит: “Э, сизга қимирлаш мумкинмас, томирларингизда игна турибди” — деди.

— Мен қаердаман, Сардор акам қани, менга нима бўлди? — сўради Нигора.

— Хавотирланманг, ҳаммаси яхши, сиз жонлантириш бўлимида ётибсиз. Наркоздан турдингиз, ҳозир соат тунги икки, тонг отсин, хўжайинингиз ҳам, докторлар ҳам келишади. Энди ухланг, сизга кўп гапириш ҳам, сиқилиш ҳам, қимирлаш ҳам мумкин эмас.

— Нафас олиш-чи, сув ичгим келяпти, жуда чанқаб кетдим.

— Нафас олиш мумкин, аммо сув ичиш мумкинмас, — деди кулиб шифокор. — Ҳозир оғзингизни намлаб қўямиз.

Ҳа тўғри, Нигора ҳозир ҳеч нарсаани ўйлагиси ҳам, билгиси ҳам келмасди. Фақат иложи бўлса тўйиб бир коса совуқ сув ичса-ю, ён томонига ўгирилиб, ҳеч қандай оғриқ сезмай тинчгина ухласа бас. Аммо бунинг иложи йўқлигини тушуниб, лабидаги намликдан тамшанганча кўзини юмди. Кўп ўтмай тонг ҳам отди. “Тонгни кўрганимга шукр”, — деди Нигора.

— Ҳайрли тонг, — деди унинг уйғонганини сезган ҳамшира.

— Раҳмат, турсам майлими, тоза ҳавога чиқмоқчиман?

— Балки хиёбонда сайр қиларсиз, — кулди ҳамшира, — юриш тугул бошингизни кўтариб кўринг-чи, кўтаролмайсиз. Ҳозир ўзим юзингизни ювиб қўяман, деразани очаман, тоза ҳаво киради.

“Ўрнимдан туролмасам ҳам оғриқ пасайибди-ку, шунисиған шукр. Сардор акам қачон ке-

ларканлар, менга нима бўлган экан, чанқадим, — деб ўйларди Нигора.

— Бугун оз-оздан товуқ шўрва, қатик, минерал сув ичишингиз мумкин, — деди ҳамшира қиз Нигоранинг хаёлидан кечган гапларни сезгандек. — Кеча хўжайинингизга айтганман, ҳали олиб келадилар.

— Менга ўзи нима бўлган, қанақа операция қилишди?

— Соат саккизда Хосият Абдуллаевна келадилар, ҳаммасини тушунтирадилар сизга.

— Ким у аёл?

Ҳамшира гапини тугатмаган ҳам эдики, эшик очилиб, чиройли аёл табассум билан хонага кириб келди.

— Қани менинг қизим, бардошли қизим, ақлли қизим, чиройли қизим, яхши дам олдингми? — деб у Нигоранинг ёнига келди. Бу гапларнинг ўзига тегишли эканлигини англаган Нигора жилмайиб секингина салом берди.

— Ваалайкум ассалом, жилайдингизми, демак ҳаммаси яхши бўлади қизим. Ҳали кўп фарзанд кўрасиз, мана мени айтди дейсиз, кўрмагандек бўлиб кетасиз, бу дардни. Фақат кайфиятни тушурмаслик керак.

Бу гаплардан операция қилган шфокор шу аёл эканлигини билган Нигора:

— Доктор менга нима бўлди, фақат тўғриси айтинг, — деб сўради.

— Қизим, ўзингиз тушунган одамга ўхшайсиз, тўғриси айтсам, сизни Худо бизга қайтариб берди. Агар ярим соат кечикканингизда сақлаб қололмасдик. Жуда кўп қон йўқотгансиз. Докторлар кеч бўлган, дейишди. Сизга термулдим-у “Наҳотки, шу ёшгина жонни

асраб қололмасам, шунча йиллик тажрибам ҳали бу дунёда ҳеч нарсага улгурмаган, фарзанд умидида шу аҳволга тушган бу гўзал аёлни олиб қололмасам, Аллоҳ ўзинг мадад бер”, дедим-да сизни операция столига олдим. Мана, Худога шукр, юзим ёруғ бўлди. Мухими, жо-

нингиз-омон қолди. Ҳозир бизнинг имкониятларимиз шунчалар кенги, тиббиёт шунчалар ривожланганки, сиз тасаввур ҳам қилолмайсиз. Фарзандли бўлишингизга сўз бераман, хавотирланманг. Энди келишиб олайлик, бу ёшга фақат шукр қилиб, менга ёрдам беринг. Кайфиятни туширманг, кўпроқ овқат енг. Шунда ҳаммасига эришамиз. Ҳа, яна бир нарса, турмуш ўртоғингиз тилла йигит экан. Сизни жуда яхши кўраркан, ҳақиқий дўст экан. Унинг қадрига етишингизни хоҳлардим.

Доктор ҳамширадан тунни қандай ўтганини суриштириб, чиқиб кетаркан, Нигоранинг хаёлида хонада қандайдир нур қолгандек бўлди, унинг кўнгли таскин топди. “Ҳақиқатдан ҳам фариштадек аёл экан,” — деб ўйледи у. Шу пайт Сардор акаси билан онаси кириб келишди. “Ўзингга шукр, — деди суюниб Нигора, — ҳолимни сўргувчилар бор.”

Уч кундан сўнг уни турғизишди. Яна ўша бош шифокорнинг ўзи опичлаб турғизиб, қўлларидан ушлаб юргизди. Худди энди тетапоя қилаётган болага ўхшаб одимлаётган Нигоранинг кўзларига ёш келди. “Яратганга шукр, юришнинг ўзи бир бахт экан. Энди умумий бўлимга ўтказишади. Одамлар орасида бўлишга нима етсин”.

Нигора умумий хонага учинчи бемор бўлиб жойлашди. Хонадошларидан бири Қашқадарёдан келган одмигина жувон экан. Иккинчиси ўзи тенги, шифохонада бўлса ҳам тилла тақинчоқларга беланиб ўтиришига қараганда бадавлатроқ аёл кўринади. Аммо у нуқул ҳаётдан, қимматчиликдан, етишмовчиликдан нолирди. Бугун кетишга

рухсат тегибди. “Хайрият дори сотиб олишдан қутулдим, шу пулларга қанча нарса олардим-а, эссиз” — деди у кетиш олди-дан.

— Ҳой синглим, бунчалар ношукр бўлмасангиз. Шу дорилар дармон бўлиб, ўн кунда чиқиб кетяпсиз-ку, ахир. Йиллаб тўшақда ётганлар бор. Танишганимиздан бери бир марта докторларга раҳмат деганингизни эшитмадим. Ҳеч яхши ният қилмас экансиз, қарғанингиз-қарғанган. Шу замонга шукр. Ётган жойингизда Германиядаги ўғлингиз билан гаплашаётган бўлсангиз. Қишлоқдан бир киши Тошкентга кетса, ҳамма ҳавас билан қарарди. Энди доим бир оёғимиз Тошкентда, — деди хола тутоқиб.

— Сиз ҳам бирон нима десангиз-чи қизим, — таскин излаб Нигорага юзланди у.

— Эй холажон, гапиришга ҳам, нолишга ҳам куч керак, мадор керак. Менда эса қувват йўқ, — деди Нигора жилмайиб.

— Узр қизим, қолиб кетар дунёда бунчалар нафсини ўйлайди одамлар. Шундан хафа бўламан. Мана бу ердаги шифокорлар-у, ҳамширалардан дилинг яйрайди. Мен доридан эмас, уларнинг муомаласидан тузалдим. Ҳаммаси бошлиққа боғлиқ. Барака топишсин.

Мана, бугун Нигора ҳам уйига рухсат олди. У Сардор акасига айтириб олдириган бир кучоқ гулни шифокорларга тутқазиб, туғруқхона ҳовлисидан юриб бораркан: “Танграм, ўзингга беҳисоб шукр. Беҳуш ҳолатда келиб, ўз оёғим билан чиқиб кетяпман. Берган дардингга, кўрсатган давоингга, ширинсўз шифокорлар-у, қишлоқлик холадак, қолаверса, ўша пулни ўйлайдиган Сарвиноз каби бандаларингни яратганингга шукр. Ахир улар билан ҳаёт гўзал, улар билан ҳаёт ташвишли”, деб ўйларди.

Матлуба ШУКУРОВА.



Аёл ибоси билан гўзал

ОИЛАВИЙ МОЖАРО

Қишлоқдаги отахонлар: “Агар аёллар жанжаллашиб, муштлашиб қолсалар, уларни ажратиб бўлмайди. Аслида, бу бехосиятдир, дердилар. Яқинда шунга ўхшаш воқеани ажрим қилар эканмиз, ана шу гаплар ёдимга тушди...

Захро ота уйдаёқ синглиси Кундуз билан чиқишмасди. Арзимаган сабаблар туфайли иккиси жанжаллашиб, айтишиб қолишар, ота-она уйда йўқ пайтлари бу тортишувлар даханаки жангга айланиб кетарди. Баъзан иш, гоҳида гап талашинишарди. Ўқтин-ўқтин гоҳ униси, гоҳ бунисининг юзлари, бўйинлари ё баданлари тирналиб, тимдаланиб қоларди.

Вақти-соати етиб, Захро турмушга чиқди, Кундуз ҳам бир хонадонга бека бўлди. Шундан кейин ҳам Захродаги жангариллик одати қолмади. Опа-синглининг орасидан қора мушук ўтиб, бир-бирига меҳр-оқибати бўлмаса-да, жигарчилик туфайли ҳар замонда борди-келди қилиб туришарди. Бироқ табиатан босикроқ Кундуз опасининг ташрифидан дилда ҳадик туярди. Негаки, қилдан қийқ ахтарадиган Захронинг жаҳли доим бурнининг учига турарди. Ўша куни ҳам ҳовли эшигидан опасининг шангилаб кириб келаётганини кўрган Кундузнинг юраги яна гаш бўла бошлади. Ёнида кичик қизи Шахнозани ҳам эргаштириб келган Захро: “Ҳой, бу уйда тирик жон борми?” деган совуқ кесатиг билан хонадонга кириб келганди.

Униси у деди, буниси бу деди, хуллас иш муштлашувга бориб етди. Захро аввал қайнотаси Болтабой акани арзимаган иш туфайли изза қилди. У киши оғир, босиқ эмасми, бу “оғзи ботир, шаллақи хотин” билан адибади айтишиб ўтиришдан фойда йўқлигини сезиб, уйга кириб кетди. Сўнг Захро эрининг тарафини ола бошлаган Олтиной холага зах-

рини сочди. Кўпни кўрган аёл меҳмоннинг ҳурматини қилдими, ҳар қалай “таслим” бўлиб қўяқолди.

Чой устида қайнонаси Олтиной хола билан жангари опаси ўртасидаги тортишув яна жангалга айланиб кетди. Захро холага нисбатан анча ёш, боз устига жисмонан бақувват эмасми, уни бир силтаб, итариб юборди. Юз тубан йиқилган рақибининг бели ва сонларига теғди. Хола ҳушидан кетди. Келини, қизи ва ўғли биргалашиб жанжалкашни ҳовлидан чиқариб ҳайдашди.

Бу воқеа икки жангари аёл, мезбон томони вакиллари баёноти асосида ҳавола этилмоқда. Нарига томон, яъни Захро ва Кундузларнинг кўргазмаси бўйича хола меҳмонни таёқ билан урган, қизлари сочидан олган ва ҳоказо. Аммо бир нарсани аниқки, бундан бир кун аввал қайнона ва келин ўртасида кўнгилхираллик бўлган, жангари опа синглисининг ёнини олиб, жанжал бошлаган ва “ғалаба”га эришган. Шу можародан сўнг Кундуз бу ерда қололмасди. Болаларини олиб, энгил-елпи кийим-кечакларини йиғиштириб, ота уйига йўл олди. Хола эса касалхонага жўнатилди.

Уйдаги гапни кўчага чиқарма, дейишади. Рўзгордаги арзимаган кўнгилхиралликларга дош беролмаслик, сабр қилиш ўрнига уни кўпиртириб, қариндошларига етказиш туфайли ушбу низо келиб чиққанди. Мана, натижа нима бўлди. Оила аъзолари – қайнота, қайнона, эр ва қайинсинглилар олдида Кундузнинг юзи шувут бўлиб қолди. Жаҳлини жоловлай олмаган Захро эса жинойий жавобгарликка тортилди.

Тўлқин ҚОДИРОВ,

жиноят ишлари бўйича Оқдарё тумани судининг раиси.

Хайрулла ҲАМРОЕВ.

Гиёҳфурушларга шафқат йўқ!

ЎРИНДИҚ ОСТИДА... ОҒУ

XX аср вабоси дея талқин этилган ва XXI асрда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган, кундан-кунга кенг жамоатчиликнинг эътиборини тортаётган гиёҳвандлик иллатига қарши бутун дунёда муросасиз кураш олиб борилмоқда. Бу республика ички ишлар ходимларининг ҳам кун тартибидан тушмай диган вазифаси ҳисобланади.

Гиёҳвандлик моддаларини етиштириш, сотиш билан шуғулланаётган ва истеъмол қилувчилар амалга оширилаётган террорчилик ҳаракатлари бир-бирига чамбарчас боғланиб кетган. Захри қотилни етиштирувчилар олаётган катта миқдордаги фойдаларидан ажраб қолмасликлар учун ҳар қандай қабихликка тайёрдир. Улар учун инсонларнинг бевақт ҳалок бўлиши, майиб-мажруҳлар сони ортиб бораётгани, бари-бариси бир пул. Хайриятки, уларнинг йўлга ёв қўйилиб, асосий кучлари йўқ қилинапти. Аммо, пана-пастқамларда ҳали ҳам фарз ниятларини амалга ошириш илинжида хом хаёлларга берилиб юрган тарафдорлари бор.

Афсуслар бўлсинки, бизнинг республикамизда ҳам ана шу ёвуз иллат қулига айланиб қолаётган кимсалар учраб турибди. Улар орасида ёшлар, ҳатто аёлларнинг борлиги гоҳ ачинарли ҳол.

Сирдарё вилоятининг Ховос шаҳарчасида яшовчи О. Орзикул муқаддам чегарадан катта миқдорда минерал ўғит ва бошқа товарларни яширинча олиб ўтаётган вақтда қўлга тушиб, жинойий жавобгарликка тортилган эди. Бироқ афсуслик куч-қувватга тўлган 27 ёшли бу йигит шериги Фурқат билан жинойий тил бириктириб, гиёҳвандлик моддасини савдо қилиш билан шуғулланиш ва шу орқали текин даромад топишга бел боғлади. Икки ҳамтовок биргаликда қўшни Тожикистон ҳудудига ўтиб, у ердан катта миқдордаги гиёҳвандлик моддасини сотиб олишди. Оғуни яхшилаб ўраб, Орзикул бошқарувидаги юк машинасига ҳеч ким билмайдиган қилиб жойлаштиришди. Жинойий гуруҳнинг хатти-ҳаракатларини зимдан кузатиб юрган вилоят ички ишлар бошқармаси-

нинг тезкор хизмати ходимлари уларни қўлга олиш вақти етганлигини ҳис қилишди. Шу йил 23 июль куни Сирдарё вилоятининг чегара ҳудудига жойлашган ЙПХ масканида “ЗИЛ ММЗ - 452” русумли юк машинаси тўхтатилди. Белгиланган тартибда кўздан кечирилган ҳайдовчи ўриндиқи остидан 22 дона ўрамдаги опий гиёҳвандлик моддаси топилди. Автомашина рамасига ўрнатилган хуфёна темир сандиқ ичидан эса 72 дона ўрамдаги опий олинди. Умумий оғирлиги 141 килограммдан ортиқ бўлган оғу далилий ашё сифатида вилоят ички ишлар бошқармасига топширилди. Ҳайдовчи эса қўлга олинди.

Гиёҳвандликка қарши курашилари экан, биринчи навбатда ёшлар ўртасида бу салбий иллатнинг мудҳиш оқибатлари тўғрисида кўпроқ ва кенроқ тушунтириш ишлари олиб бориш керак. Агар ҳамма бу ишга баравар киришса гиёҳвандлик илдизига болта урилиши шубҳасиз.

Феруза САЪДУЛЛАЕВА,
Қаюмжон КАРИМОВ.

Воқеий ҳикоя

(Давоми.)

Боши ўтган сонда).

Мавлон ака нима қилишни билмасди. Ахир, қаршида улкан гуноҳни елкасида олган, унинг залворидан бош кўтара олмай, ала-охир тушкунлик ботқоғига жағини қўйиб турган қиз ётибди. Унга бор ҳақиқатни айтсинми? Кўтара олармикин?

Хонага ҳамшира кириб келди. Хушчақчақ, истарали қиз. Мавлон ака уни жуда яхши билади. Яқиндагина бир оиланинг дилбар келини бўлди. Қайнонаси хурсандлигидан келиннинг кўргани кунда икки бор касалхонага келади.

– Ойим пиширган овқат, иссиғида еб олинг, – деди у жувонга ва буғи чиқиб турган бир коса шўрвани тумбочка устига қўйди.

Мавлон аканинг кайфияти кўтарилди. Айтади, ҳаммасини айтади. Бу ёғи бўлганча бўлар.

– Ҳамшира, сиздан илтимос, синглимиз анча ҳаяжонландилар. Битта укол қилиб қўйинг.

Ҳамшира ишини бажариб бўлгач, Мавлон ака гапга оғиз жуфтлади.

– Мен сизга воқеанинг давомини айтиб бермоқчиман...

– Қайси воқеанинг? – ҳайрон бўлиб сўради жувон.

– Сиз менга айтиб берган воқеанинг давомини айтиб бераман.

– Тушунмадим?!

– Эшитинг. Мана, сиз менга бўлган воқеани айтиб бердингиз. Тўғриси, сиздек чиройда тенги йўқ қизларга нима етишмайди ўзи? Нега бирдан ихтиёрингизни қўлдан берасизлар? Бир галати дўстим “Чиройли қизлар бахтсиз бўладилар”, деганда қулиб қўя қолгандим. Тўғри айтган экан,

ДИЙДОР ҚИЕМАТГА ҚОЛДИ

шекилли. Бўлмаса, бугун сизга ҳам нафрат, ҳам раҳм билан қараб турмасдим.

– Мавлон ака, менга айтадиган таскин сўзларингиз бўлмаса, илтимос, кетинг!

– Яхши. Мақсадга ўтганим бўлсин. Ўшанда бир чақалоқ анҳор юзасида оқиб келаётганини сиз ва Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмаган. У чексиз самога қараб оқиб келаверган. Беҳисоб юлдузлар балки ўшанда қаттикроқ пирпираб қолгандир? Сиз ортга қайтаётган пайтингизда Яратган унинг дунёга келишидан, нобакор онанинг шум ниятларидан огоҳ эди ва шунинг учун ҳам турли воситаларни жамулжам қилиб беғуноҳ гўдакнинг йўлига шай этиб қўйган экан.

Хуллас, у қаттикроқ йиғлаб, тўлқинли сувда, кўрпача ва нимча устида оқиб кела бошлади. Кўрпача ва нимчанинг пахталари сувни сония сайин кўпроқ шимиб, сувнинг совуқ захри аъзойи баданини зир қақшатаётганди. У атрофдаги бутун тирик мавжудод ва маҳлуқотларни ўзидан огоҳ этиб келарди. Фақат ҳамма нарсадан бохабар онаси бундан беҳабар эди, холос.

Шу аснода уйдаги кекса отасидан аскар олгани келаётган аскар йигит Мухторжон тўсатдан анҳордан келаётган йиғи овозини эшитиб қолади. Овоз ҳақиқатдан ҳам чақалоқ йиғиси эканлигига ишонч ҳосил қилгач, яқин ўртада-

ги постларга хабар қилгани шошилади.

Худойимнинг меҳрибонлигини қарангки, худди ўша дақиқаларда шаршара ёнидаги милиция постида (милиция пости шаршарадан 20-25 метрлар масофада асосий йўл устига қурилган кўприк ёнида эди) кечки развод бўлаётган эди. Қутилмаганда аскарнинг берган хабари ҳаммамизни с е р г а к т о р т т и р -

зи-раклиги, милиция ходимларининг шайлиги, устига устак, шифокорнинг тайёрлиги шундан далолатки, бола беғуноҳ, отаю она эса...

Мавлон ака бир пас сўзлашдан тўхтаб, жувонга қаради. Ёстиқнинг икки чеккаси жикка хўл ва у кенгайиб борарди. Жувоннинг икки кўзи эса шифтга боқиб қолган, аммо жон қулоғи билан сўзлагувчининг даҳшатли ҳақиқатини бир ҳарфини ҳам қолдирмай эшитиб ётарди.

– Бутун вужуди совуқда қолган болакайни кутқариш учун бир нечамиз ўзимизни сувга отдик. Мен “сайр” қилиб бораётган кўрпачани апил-тапил сувдан кўтардим ва шу заҳоти ёнгинамда турган ҳамкасбимга, у эса кирғоқда тур-

Теварак-атроф қоп-қора



ва мард инсонлар ардоғида катта бўлапти. Сиз эса оналик бахтидан, инсонийлик бахтидан юз ўгириб, энди уни тополмай юрибсиз...

– Уни кўрсам бўладими? Йўқ, илтимос, уни менга кўрсатинг!!!

Ўрнидан туриб кетай деб турган жувоннинг елкасидан эҳтиёткорлик билан босар экан, Мавлон аканинг хаёлидан “яхшиям ҳамшира тинчлантирувчи укол қилган экан”, деган фикр ялт этиб ўтди.

Мавлон ака “хўл” ишорасини қилиб, ташқарига чиқди. Орқасига – жувон томонга қарамади, қарай олмади. Нима қилсин? Дўхтирнинг уйига бориб, бўлган воқеани тушунтирсинми? Улар қандай қабул қилишади? Жувонга тузук-куруқ жавоб қайтармаган Мавлон аканинг оёқлари ўз-ўзидан дўхтирнинг уйи томон тортиди.


Орадан икки соатларча ўтиб, Анваржон аканинг уйдан касалхона томон энгил машина йўлга тушди. Чиройли кийинтирилган гўдакни Сайёрахон опа бағрига босиб олган. Рудда Анваржон ака. Унинг ёнида эса қилаётган ишининг тўғри нотўғрилигини ҳамон мушоҳада қилиб келаётган Мавлон ака.

Улар касалхонага яқинлашганларида “тез ёрдам” машинасига замбилда юз-кўзлари ёпиқ ҳолдаги кишини жойлаштиришаётган эди. Мавлон ака формада эмасми, шошганча бориб, унинг юзини очиб кўрди ва яна қайта ёпиқ ортига қайтди. Ўриндиққа ўтираркан, Анваржон акага юзланиб, деди:

– Ака, энди унга ҳеч нарса керак эмас. Уйга ҳайданг...

Бобомурод МУҲАММАДИЕВ.

Валишер МАДАМНОВ,
Ҳамза тумани прокурори
ўринбосари.



HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

OLAM

Африканинг Замбия давлатида сайёҳлар учун чиқарилган маълумотномада ғалати қабила – “туякушлар” ҳақида маълумот берилган. Уларнинг оёқларида иккита-учтадан бармоқлари бор.



Улар туғилган қишлоқлардан ташқарига чиқмасликка ҳаракат қилишади.

Шифокорлар бу одамларни бир неча бор текшириб, ушбу нуқсон ген билан боғлиқ, деган хулосага келишди. “Туякушлар” кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб тоғли худудларда яшашилади. Уларнинг аниқ сони номаълум. Тахминларга қараганда 300 нафарга етишади. Ҳар тўрттадан биттасида ана шундай нуқсон бор.

Қабиланинг асл номи вадома. Ривоятларга қараганда, қачонлардир уларни кўшни қабилалик сеҳргар дуоибад қилган. Дунёнинг турли бурчакларидан келувчи сайёҳлар “туякуш”ларни томоша қилиш учун каттагина пул тўлашади.

Қарангки, Россияда ҳам учбармоқлилар яшайдиган қишлоқлар учраркан. Бу ерга

сайёҳлар ҳам келишмайди, мутахассис шифокорлар ҳам ташриф буюришмайди. Маҳаллий ҳокимият вакилларига эса уларнинг кераги йўқ. Жисмоний нуқсонлардан келиб чиқадиган бўлса, уларга “туғма ногирон”лигига кўра нафақа тайинланиши керак. Аммо ҳамқишлоқлари уларни ҳеч ҳам ногирон деб ҳисоблашмайди.

XX аср бошларида Волга бўйидаги қишлоқлардан бирида ака-сингил Павел ва Татьяна Кирилинлар яшашарди. Улар бадавлат оиладан бўлиб, инқилобдан кейин қулоқ қилинишди. Иккаласининг ҳам оёқ-қўллари уч

УЧ

БАРМОҚЛИЛАР

бармоқли эди. Мутахассисларнинг фикрича, қариндошлар ўртасида никоҳлар ва сифатсиз спиртли ичимлик истеъмол қилиш фарзандларнинг бундай жисмоний нуқсон билан туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Бой деҳқонлар оиласида сифатсиз қўлбола ароқ ичишганига ишониб бўлмайди, албатта. Ҳойнаҳой, ака-сингиллар қондошларнинг ўзаро никоҳи туфайли шундай туғилган бўлишса керак.

Хўш, учбармоқлилардан бошқа одамлар четлашганми, жирканишганми? Йўқ, шекилли. Маълумки, қишлоқ жойлардаги одамлар бир-бирларини яхши билишган. Шунга қарамай учбармоқлилар билан қиз олиб-беришган, қариндош бўлишган. Масалан, Павел Кирилин тўрт мучаси соғ қизга уйланиб, 12 та фарзанд кўрган. Улардан 4 нафари юқоридagi нуқсон билан туғилган. Ҳозир шу қишлоққа Кирилинлар авлоди орасида уч бармоқли 15 киши яшайди. Яна 17 нафари эса соппасоғ. Демак, нуқсон авлодининг ҳамма вакилига ҳам ўтавермас экан. Касалликнинг асл табиати, кимга ўтиб, кимга ўтмаслиги ҳамон сирлигича қолмоқда.

Шўролар тузуми даврида бу мутантлардан бирининг



Африканинг вадома қабиласи вакиллари билан сайёҳлар жуда қизиқишади.

Арслон. Душанба. Эътиборли кишилар ёки қариндошларингиз қўллаб-қувватлаши туфайли хизмат зинапоясидан юқорига кўтариласиз.

Сешанба. Куннинг иккинчи ярмида талайгина вақтингизни эгалловчи кўнгилсизликлар қутилмоқда.

Чоршанба. Шахсий ҳаётингизда юзага келган муаммоларни хал этолмайсиз.

Пайшанба. Сизнинг меҳнат қобилиятингиз одамларни ҳайратга солади.

Жума. Яқин кишингиз билан низолашиб қолишингиз мумкин.

Шанба. Уйлаб қўйган саъй-ҳаракатларингиз ўз мевасини беради.

Якшанба. Хонадонингизда тотувлик ҳукм суради. Сафарлар ва саёҳатларга бориш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланинг.



Бошоқ. Душанба. Дўстлар билан мулоқотда тушунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин.

Сешанба. Атрофингиздаги одамлар билан муносабатларда қарама-қаршиликлар пайдо бўлади. Низоларни куч ишлатиш орқали енгиллатишингизга тўғри келади.

Чоршанба. Жамият ҳаётида фаол иштирок этасиз.

Пайшанба. Шахсий ҳаётингизни йўлга қўйиш учун қулай кундир.

Жума. Ниҳоясига етказилмаган ишлар, кўнгилсиз хабар ва шахсий ҳаётингиздаги муаммолар бемалол ҳордиқ чиқариш имконини беради.

Шанба. Янги ишларни бошлаш ва оилавий муносабатларни йўлга қўйишда омад қулиб боқади.

Якшанба. Бирор ишга қўл уришдан аввал оқибати ҳақида жиддий уйлаб кўришни маслаҳат берамиз. Акс ҳолда низо келиб чиқиш ҳеч гап эмас.



Тарози. Душанба. Бугун орзуларингиз рўёбга чиқмайди.

Сешанба. Олдингизда кўплад тўсиқлар бор.

Чоршанба. Соғлигингиз жиддий синовдан ўтади.

Пайшанба. Керакли маълумотни қўлга киритасиз. Ҳар қандай масала ечимига ақл-заковат билан ёндошганингиз маъқул.

Жума. Фаолиятингизни барча йўналишда сусайишига йўл қўясиз.

Шанба. Янги режалар белгилаш, уйни таъмирлаш ва жиҳозлар билан таъминлаш учун қулай кун. Сайру-саёҳатлар узоқ вақт ёдингизда қолади.

Якшанба. Шериклар билан муносабатлар кескинлашади, норозиликлар келиб чиқиши мумкин.



Чаён. Душанба. Бугун кайфиятингиз тушиб кетади. Жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг.

Сешанба. Бирор ўзгаришлар қилиш, саёҳатларга бориш учун ноқулай кун.

Чоршанба. Ижодий қобилиятингизни намойён этасиз. Моддий ютуқлар қутилмоқда.

Пайшанба. Хизмат пиллапоясидан юқорилаш ёки ақсинча бўлиши ўзингизга боғлиқ.

Жума. Оилавий ва шахсий муаммолар тижорат ишларини бироз кейинга суради.

Шанба. Билим олиш, ҳунар эгаллаш ва мураббийликни жонлантириш учун қулай кун.

Якшанба. Яқинларингизнинг маслаҳатларига қулоқ тутганингиз маъқул. Пулни тежаб сарфласангиз ҳамёнингиздан айрилиб қолмайсиз.



Ёй. Душанба. Шерикларингиз билан муносабатлар қийин кечади.

Сешанба. Алоқалар ўрнатиш ва музокаралар олиб бориш учун ноқулай кун.

Чоршанба. Шахсий ҳаётингизда муаммо келиб чиқиши мумкин. Ҳар қандай баҳс катта жанжалга айланишини унутманг.

Пайшанба. Саломатлигингизга лоқайдлик ва ишларнинг қўлайи кетиши асабингизга ўз таъсирини кўрсатади.

Жума. Жисмоний меҳнат, спорт билан шугулланиш, ижодий ютуқлар руҳиятингизни тетиклаштириб юборади.

Шанба. Ўз шаънингизни ҳимоя қилиш учун мавжуд ва мансабингизни суистеъмол қилишингизга тўғри келади.

Якшанба. Бажараётган ишингиз ёки узоқ муддатли режангизга салбий таъсир кўрсатувчи вазият юзага келади.



Тоғ эчкиси. Душанба. Бугун мияннгизда туғилган гоёларни ҳаётга жорий этиш муҳимдир.

Сешанба. Кўзланган мақсадга ҳар қандай йўл билан етишга уринишингиз атрофингиздаги одамларда нафрат уйғотади.

Чоршанба. Қутилмаган жойдан даромад олишингиз, қимматбаҳо буюм топиб олишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас.

Пайшанба. Маълумот тўллаб, мулоқотлар уюштириш учун қулай кун.

Жума. Эҳтиросга бериладиган кишилар даврасидан узоқроқ юргангиз маъқул.

Шанба. Одамларга мурувват кўрсатасиз. Бошланган ишларни ниҳоясига етказиш имконияти бор.

Якшанба. Бугун ўз шаънингизга айтилган талайгина ёқимли сўзларни эшитасиз.



Қовға. Душанба. Янги ишларга қўл урганингиз маъқул. Харидлар муваффақият келтиради.

Сешанба. Фарзанд тарбияси ва меҳрибон бўлишни талаб этади.

Чоршанба. Ҳар қандай ишга бемалол киришаверинг, омад сиз томонда.

Пайшанба. Суд ишларини олиб бориш, амалий муносабатларни йўлга қўйиш учун қулай кун.

Жума. Битимлар ва шартномалар имзолаб, ижодий сафарга борасиз.

Шанба. Бирор мақсадни кўзлаб маблағ сарфлашингиз фойда келтиради.

Якшанба. Ўзингизда чарчоқ ҳис қиласиз. Аммо севган кишингиз уни енгиллашга кўмаклашади.



Балиқ. Душанба. Жарроҳлик операцияси, соч олдириш ва янги ишларга қўл уриш учун ноқулай кун.

Сешанба. Шерикларингиз билан ишлаб топиладиган маблағ масаласида келишмовчилик келиб чиқади.

Чоршанба. Яқин кишингиз билан учрашувдан сўнг кайфиятингиз яхшиланиб, куч-қувватингиз ошади.

Пайшанба. Севишганларнинг бир-бирларидан кўнгиллари совийди. Бунинг сабаби тез-тез баҳслашувлар, ишхонадаги бандлик, рақиб пайдо бўлишидир.

Жума. Маблағ масаласида яқинларингиз билан тортишиб қоласиз.

Шанба. Бугун бошлаган ишларни ниҳоясига етказишингизга тўғри келади.

Якшанба. Танлаган йўлингиз тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Вазиятни ўз назоратингизга олинг.

СПОРТ+ФУТБОЛ



ЗАФАР ЁР БЎЛСИН!

Кейинги пайтда ўзбекистонлик спортчилар кўлга киритаётган ютуқлар дунёни лол қолдирмоқда. Ҳа, ҳақиқатан ҳам улар жаҳоннинг қайси давлатида бўлмасин, ўзбек ўғлонларининг нималарга қодирлигини кўрсатиб қўйишяпти. **Муҳаммадқодир Абдуллаев, Рустам Қосимжонов, Ирода Тўлаганова, Азамат-Али Қаландаров, Хўжамқул Хўжақулов, Армен Богдасаров, Абдулла Тангриев, Ўткир Ҳайдаров** каби спортчилар юртимизнинг фахру ифтихорига айланишди.

Спортчиларимизни яна бир нуфузли мусобақа - шу йил 13 август куни Грециянинг Афина шаҳрида очиладиган Олимпиада ўйинлари чорламоқда. Айтиш жоизки, вакилларимиз учинчи бор

Олимпиада ўйинларида мустақил Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишади. Республика "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг 15 нафар спортчиси ушбу баҳсларда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритишди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги Зокиржон Алматов бир гуруҳ спортчиларни қабул қилди. Вазир уларга омад ёр бўлиши, Ватанимиз байроғи Афинада ҳам ҳилпирашини тилади ҳамда уларга эсдалик совғалар топширди.

Қобилжон ШОКИРОВ.

Суратда: қабул жараёнидан лавҳа. **Абубақр КЕНЖАЕВ** олган сурат.

ОЛТИН МЕДАЛЬ КЎЛГА КИРИТИЛДИ


Куни кеча Тошкент шаҳрида ҳарбий-амалий ва олимпия спорт турлари бўйича биринчи умумармия ўйинлари ниҳоясига етди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Қ. Фуломов мусобақаларнинг ёпилиш тантанасида сўзга чиқиб иштирокчиларни табриклади. Шундан сўнг голиблар ва совриндорларга медаллар, фахрий ёрликлар, пул мукофотлари топширилди.

Республика ИИБ Қоровул кўшинлари вакиллари ҳам умумармия ўйинларида муваффақиятли иштирок этдилар. Шартнома асосида ҳарбий хизматчи, кичик сержант Баҳодиржон Хушвақтов 60 килограммгача бўлган вазн тоифасида барча рақибларини мағлуб этиб, олтин медаль соҳиби бўлди. Катта лейтенант Маҳмуд Алмуратов, шартнома асосида ҳарбий хизматчи, оддий аскар Рифат Раҳимовлар эса учинчи ўринни эгаллаб, бронза медаль совриндори бўлдилар.

Шундай қилиб Қоровул кўшинлари ҳарбий хизматчилари жами битта олтин ва тўртта бронза медални кўлга киритишди.

Баҳриддин ЛУТФУЛЛАЕВ,
сержант.



Суратда: кичик сержант **Б. Хушвақтов**га республика Куролли Кучлари Бирлашган штаби бошлиғи, генерал-майор **И. Эргашев** олтин медални топширмоқда.

Муаллиф олган сурат.

КЎНГИЛ ТЎЛИБ-ТЎЛМАГАН ЧЕМПИОНАТ

Хитойда ўтаётган XIII Осиё чемпионати якуний паллага кирди. Эртага учинчи ва тўрттинчи ўринлар учун кураш кетса, 7 август куни Осиёнинг 13-чемпиони номи маълум бўлади.

Бир нарсани очик олиш керак, футбол Осиёда тараққиёт палласига кирди. Буни бўлиб ўтаётган чемпионат яққол исботлаб бермоқда. Европада фут-

бол бизнесга, Африкада жанжалга, Жанубий Америкада саноатга айланган бўлса, Осиёда санъатга айланмоқда. Футбол қонун-қоидаларига тўлиқ амал қили-

наётгани шундоқ юзага чиқяпти. Қаранг, ҳали бирор бир мусобақада учрамаган воқеаларнинг гувоҳи бўляпмиз. Ўйинни нотўғри бошқарган ҳакам эртаси кунидек ватанига равона қилинапти, ўн бир метрлик жарима тўпини тепиш жараёнида дарвоза алмаштириляпти, "олтин" ва "кумуш" тўплар бекор қилинди, нисбатан кучсизроқ деб қаралган жамоалар сал бўлмаса, фаворит жамоаларни мағлубиятга учратиш кўймоқда. Хуллас, бир-биридан чиройли голларга ҳам бой ўтаётган бу чемпионат том маънода чиройли якун топмоқда десак янглишмаган бўламиз.

Афсуски, бизнинг миллий терма жамоамиз чорак финал баҳсидан сўнг ортга қайтишга мажбур

бўлди. Жамоамиз ўйинидан қониқиб ҳосил қилган бўлсак-да, якуний натижа бизнинг фойдамизга бўлмагани кўнгилни бир оз хира қилди.

Ниҳоят, мураббийларимиз яқдил жамоани ташкил этишни уйдасидан чиқишибди. Катталар ҳам, легионерлар ҳам, ёшлар ҳам ўз индивидуал маҳоратларини намойиш эта билишгани сабабли бирорта учрашувда мағлубиятга

учрамадик (пенальтилар серияси эса лотереядек гап). Бу ёғига жамоавий ўйинни ҳам шакллантиришга эришилса, сара-

лаш учрашувларидан муваффақиятли ўтиб, 2006 йил Германияга - Жаҳон чемпионатига йўл олишимиз аниқ.

Чорак финал

Ўзбекистон-Баҳрайн - 2:2 (пен. - 3:4)
Хитой-Ироқ - 3:0
Япония-Иордания - 1:1 (пен. - 4:3)
Жан. Корея-Эрон - 3:4

Ярим финал

Хитой-Эрон - 1:1 (пен. - 4:3)
Япония-Баҳрайн - 4:3

Шундай қилиб, учинчи-тўрттинчи ўринлар учун Баҳрайн ва Эрон ўзаро баҳс олиб боришса, Осиё чемпионини Хитой ва Япония ўртасидаги учрашувдан сўнг билиб оламиз.



AFC
ASIAN CUP
CHINA 2004

Фахрийлар — фахримиз

«КЎРГАН КУНЛАРИМГА ШУКУР»

— дейди Ҳамидулла МИРПЎЛАТОВ

Каршимдаги юзларидан нур ёғилиб турган инсон — истеъфодаги милиция полковниги Ҳамидулла ака Мирпўлатовнинг сўзларини диққат билан тинглайман. Ўз фаолияти ҳақида ҳикоя қилаётган бу инсоннинг гоҳ жўшиб, гоҳ жиддийлашиб гапирётганини кўрган одам унинг бемор эканлигига ишонмайди. Ҳамидулла ака бирор нарсани эслолмай қолса, унинг доимий ҳамроҳи — деярли қирқ йилдан буён суяб, авайлаб келаётган умр йўлдоши — Раҳимахон опа гапларини тўлдирди.

— 1943 йилда Тошкент шаҳридаги ишчи оиласида туғилганман, — дейди Ҳамидулла ака. — Олти ўғилнинг кенжасиман. Ота-онамиз ўзлари саводсиз бўлишгани боис, фарзандлари илм эгаллашига ҳаракат қилганлар. Тарбия масаласида ҳам жуда қаттиқ туришган. Бунинг натижасида оиламиздан уч нафар олий маълумотли ҳуқуқшунос чиқди. Яна уч нафари эса Тошкент халқ ҳўжалиги институтини битиришган. Отам ва икки акам II жаҳон урушида қатнашиб, бир неча марта яраланганлар. 1947 йилда фронтдан қайтиб, турли соҳаларда ишлаган...

Акалари Миробид (худо раҳмат қилсин!) ва Миралиларнинг эгниларидаги милиция кийимини илк бор кўргандаёқ Ҳамидулланинг юраги “жиз” этган эди. У заводда ишлаш билан бирга Тошкент давлат юридик институтига ўқишга кириб, уни имтиёзли диплом билан битирди. Ва 1970 йилдан республика ИИБ тизимидаги жазони ижро этиш муассасасида махсус бўлим инспектори бўлиб иш бошлади.

Ички ишлар идораларида салкам ўттиз йил бенуқсон хизмат қилган Ҳамидулла Мирпўлатов акалари каби полковник унвонига сазовор бўлиб, саломатлиги боис истеъфога чиқди.

— Битта оиладан уч нафар полковник чиқиши айтишгагина осон, — дейди фахр билан Ҳамидулла ака. — Биринчи устозларим — акаларимнинг иш тажрибаси ҳаётимда жуда асқотди. Асосийси, улардан салбий ҳолларга нисбатан мурасасизлик, ҳалоллик ҳақиқатгўйлик, инсон қалбига кулоқ тута билиш, касбга, халққа, Ватанга садоқатни ўргандим.

... Денов шаҳридаги банклардан бирида ёнғин чиққанлиги ҳақидаги хабарни эшитгач, республика ИИБ “Кўриқлаш” бошқармаси бошлигининг ўринбосари Ҳ. Мирпўлатов зудлик билан воқеа жойига етиб борди. Миллионлаб пуллар сақланаётган муассаса эшик-деразаларига сигнализация ўрнатилиб, муҳрлаб, беркитилган. Демак, ёнғин келиб чиқишида кўриқлаш хизмати ходимларининг айби йўқ. Лекин буни далиллар билан исботлаш талаб этиларди.

Ҳамидулла ака бошлиқ гуруҳ нафақат буни, балки катта камомадни яшириш мақсадида банкнинг айрим нопок ходимлари томонидан ёнғин атайлаб уюштирилганини ҳам аниқлади.

Инсон қалбида Ватани, эл-юртига муҳаббат жўш урса, у ҳар қандай вазифани қўйиллатиб бажаради. Ҳамидулла ака ИИБ хўжалик бошқармасининг бошлиғи лавозимида ишлаган кезлари қалбини забт этган ана шу туйғу намоён бўлди.

Уша пайтларда ходимлар учун уй-жой, болалар боғчалари қурилиши, таъмирлаш ишларига бошчилик қилган Ҳ. Мирпўлатов айни пахта йиғим-терими даврида таътилга чиқарди. Кейин Сурхондарё вилояти, Термиз тумани пахтазорларида “зангори кема”ни бошқариб, пахта терарди.

... Пойтахтдаги заводлардан бирида кўп миқдордаги қимматбаҳо металл йўқолди. Эшик, дераза, ҳатто шамоллатиш қувурларигача текширилди. Ҳаммасининг муҳри жойида эди.

— Шундан кейин анчагина таҳминларни ишлаб чиқдик, — дея кўп йиллар муқаддам содир бўлган воқеани эслайди Ҳамидулла ака. — Лекин бирортаси наф бермади. Орадан анча вақт ўтгандан кейин корхонанинг тепа қисмида шамоллатиш қувуридаги муҳр бузилиб, яна тикланганини аниқладик. Лекин одам туғул мушук ҳам чиқа олмайдиган жойга ким ва қай тариқа кириб-чиққани жумбоқ эди.

Орадан беш ой ўтгач завод



билан ёнма-ён қурилатган бинода ишлаётган икки йигит кўтарма кран ёрдамида ўғрилиқ қилишгани аниқланди. Бири иккинчисининг оёғига арқон боғлаб, туйнук орқали бино ичига тушириб, керакли буюмни олгач, қайта тортиб олган, кейин кранни ўз жойига олиб боришган экан. Бу жиноятни очиш учун тажрибали изқуварлардан бири, ҳозирда истеъфодаги милиция генерал-майори Жўра Аъзамов билан кўп саъй-ҳаракат қилганмиз.

Ҳамидулла ака ИИБ Академиясида, Тошкент олий ҳарбий техника билим юртида бўлим бошлиғи, бошлиқ ўринбосари лавозимларида ишлаган даврида — ёшлар қалбида она-Ватанга муҳаббат туйғуларини ёлқинлантириб, уларнинг маънавиятини бойитишга қўшган муносиб ҳиссасини соғинч билан эслайди.

— Инсон ортига ўгирилиб,

ўтган умрига назар ташлаганда ундан қаноатланса, фахрлана олса — бахтлидир, — дея мулоҳаза юритади Ҳамидулла ака. — Ўйлаб кўрсам, шу ёшга киргунча беҳуда яшамабман. Фарғона, Бўка воқеаларида, осойишталигимизга раҳна солмоқчи бўлганларни жиловланда фаол қатнашдим. Ички ишлар вазирлиги, Куролли кучлар ва ҳукуматимиз мукофотлари билан тақдирланганим бунинг далилидир.

Нафақага чиққач, Зангиота тумани матлубот — ҳиссадорлик жамияти раисининг муовини сифатида баҳоли қудрат меҳнат қилдим. Қаерда, қандай лавозимда ишламай, ёшларга тўғри йўл кўрсатиш, уларни ҳалоллик, меҳнатни қадрлаш, оилани ҳурмат қилиш, берилган топшириқларни сидқидилдан бажариш қабиларга ўргатдим.

Ҳар бир ишда биринчи маслаҳатгўйим, суянчигим ва маслақдошим — умр йўлдошим Раҳимахон опангиз ҳамкор бўлди. Иккимиз ҳатто гдьянчиларнинг сўроқ-саволларига ҳам жавоб беришимизга тўғри келган. Ҳамиша ҳалол, қонунларни ҳурмат қилиб яшаганимиз учун улар бизни бирор нарсага гирифтор қила олишмади.

Қанийди, ёшлигим қайтиб келса-ю мустақиллигимиз, эл-юртимиз гуллаб-яшнаши учун бор куч-қувватим билан хизмат қилсам...

Ҳамидулла ака бироз жим қолдилар. Кейин:

— Кўрган кунимга шукур, — дедилар кулимсираб. — Бизнинг ўрнимизни фарзандларимиз, набираларимиз эгаллапти. Уларнинг эл-юртга қилаётган хизматларида бизнинг ҳам ҳиссамиз бор. Шундай эмасми?

Ҳамидулла ака Мирпўлатовни таваллуд кунлари билан қутлаб, у кишига Аллоҳдан мустаҳкам соғлиқ ва узоқ умр тилаб, хайрлашдик.

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

ДУНЁНИНГ ДУНЁЛИГИ ШУНДА

Турмушимиз кундан кунга ўзгариб борапти. Фан-техника жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ҳамма нарса автоматлаштирилган сайин одамларнинг феъл-атвори ўзгаришга олиб келяпти. Бир оз тин олганимизда эса атрофимизда меҳр-мурувватга зор кишилар борлиги, айни вақтда ўзимиз ҳам бунга муштоқ эканлигимизни ҳис қиламиз. Одамлар ўртасида меҳр-мурувват бўлмас экан дунёнинг дунёлиги, инсоннинг инсонлиги бекор. Юртбошимиз томонидан бу йилнинг “Меҳр ва мурувват йили” деб эълон қилинишида катта бир ҳикмат ётади. Халқимиз азалдан меҳр-оқибатли, саҳоватпеша. Шунга қарамай, ёшларни шу руҳда тарбиялаш лозим. Ҳар бир удум, анъана унгария қилинмас экан, инқирозга учраши тайин.

Шу ўринда Тошкент вилояти ИИБ томонидан йилни номига муносиб ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқилганини таъкидлаш жоиз. Унда ички ишлар идораларида кўп йиллар ишлаб, нафақага чиққан фахрийлар, хизмат бурчини адо этишда ҳалок бўлганларнинг оилалари, ногиронлар, кам таъминланган, кўп болали ходимларни моддий ва маънавий қувватлаш каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишга эса йил бошиданок киришилди. Кам таъминланган 150 нафар ходим ва хизматчиларнинг фарзандлари бепул янги йил томошалари, совғалардан баҳраманд бўлишди. Вилоят ҳудудида иккита меҳрибонлик уйи мавжуд. Уларни Чирчиқ шаҳар ва Бўка тумани ИИБлари

оталиққа олишган. Ходимлар тез-тез болаларнинг ҳолидан хабар олиб туришади. Яқинда уларга ногиронлик аравачалари топширилди.

Вилоят ИИБ поликлиникаси икки минг нафардан ортиқ нафақадорга хизмат кўрсатиб келяпти. Уларнинг 33 нафари уруш ногиронлари, 20 нафари эса уруш қатнашчиларидир. Аксарият нафақадорларнинг уйларига бориб тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Фахрийлардан 20 нафарга яқини турли сиҳаттоҳларда соғлиқларини тиклаб қайтган бўлсалар, 7 нафарига бепул, 20 нафарига эса ИИБ тиббиёт маскани ҳисобидан дори-дармонлар ажратилди.

Хайрли ишларни амалга оширишда шаҳар-туман ИИБлари раҳбарлари юқоридан кўрсатма қутмай, саъй-ҳаракат қилишаётгани

қувонаридир. Масалан, Ўртачирчиқ туманида ақли заиф ва ногирон болалар мактаби, Оққўрғон туманида махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларига кийим-кечак ва пул маблағлари берилган. Энг муҳими, болалар катталар эътиборида.

Олмалиқ шаҳридаги 52-ЖИЭК раҳбарияти шаҳардаги фавқулодда вазиятларда жабрланган, кам таъминланган, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида “Ҳайр-эҳсон” ўн кунлиги ўтказди.

Шаҳар-туман ИИБлари ходимларининг яшаш ва иш шароитларини яхшилаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилипти. Маҳаллий бошқарув идораларига турар-жой масаласида кўплаб тақдим-

номалар киритилди. Ишда алоҳида ўрнатилган кўрсатилган байрамлар арафасида рағбатлантирилмоқда. Шу билан бир қаторда бошқарма ва унинг қуйи тизимларида шахсий таркиб ўртасида тарбиявий жараёни яхшилашга қаратилган турли тадбирлар, учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказилиб, мазкур йилнинг мазмун-моҳияти, амалга оширилиши режалаштирилган устувор вазифалар белгиланмоқда. Маърифат соатларига сиёсатшунослар, иқтисодчилар, шунингдек, дин намояндаларининг таклиф этилиши шахсий таркиб ўртасида меҳр-мурувват, оқибат, диёнат каби тушунчаларни тарғиб қилишда катта аҳамият касб этапти.

Ғ. ЙЎЛДОШЕВ,
милиция подполковниги.

Кечки овқатдан кейин кўк чойни майдалаб газета ўқиб ўтирдим, бўлажак футбол чемпионатининг жадвалига кўзим тушди. Танишиб чиқарканман жадвал остидаги ёзув мени қизиқтириб қўйди. "Футбол жамоаларининг таркиби, ўйини билан таниш бўлсангиз беллашув натижаларини тахминан бўлса-да ҳис этасиз, албатта. Жадвални тўлдириб жўнатинг, чемпионат якунида тахминларингиз тўғри чиқса, ажойиб совғага эга бўласиз".

Совиб қолган чойни симирдимда, жадвални тўлдириб

жўнатсаммикин, деган хаёлга бордим. Ҳар ҳолда нуфузли чемпионат-ку, совғаси ҳам ўзига яраша бўлса керак. Мендан нима кетди. Бир уриниб кўрайчи, тўғри келмаса, чопонимни ечиб олармиди.

Хотинга чойни янгила-тиб, жадвалга эгилдим. Ҳар бир ўйинни ўзимча тахмин қилиб, уни тўлдирдим. Газетанинг ўша варағини авайлаб кесиб олиб, исм-шарифим, яшаш манзилимни кўрсатиб, хатжилдга солдим.

Чемпионат ниҳоясига етди. Охирги ҳал қилувчи ўйин тугади. Мен севган жамоа ғолиблик шоҳ-супасига кўтарилди. Ўзимни гўё олтин медал соҳиб бўлган ўйинчилар қаторида ҳис қилдим.

Орадан бир неча кун ўтиб ишдан келсам қизим телеграмма тутқазди. Унда мени футбол феде-

рациясига таклиф этишганди.

Айтилган куни федерацияга бордим. Ихчамгина зал деярли тўлди. Федерациянинг мен билган ва билмаган бир неча ходими минбарга кўтарилди. Мажлис олиб боровчи сўзни халқаро

Йиғилиш тугар-тугамас мухбирлар қуршовида қолдим. Телевидение репортёрининг саволларига жавоб бериб улгурмасдан, радиоданман, деб бир йигит микрофонини оғзимга тутди. Ундан аранг қутилсам, газетачилар сўроқ бошлади.

сам дарвоза олдида беш-олтига машина турибди. Нима гаплигига тушунмай яқинлашиб бораётгандим яқин дўстим олдимдан чиқди.

— Тузуккина башоратчи экансан, миқ этмайсан-а. Олти ойдан бери този итимни қидираман.

Мен ҳам неvara кўрармиканман" деб бир аёл кўзига ёш олди. Беш-олти чоғли кишиларга башоратчи эмаслигимни тушунтиргунимча жоним бўғзимга келди. Машиналар тарқалгандан кейин енгил нафас олдим.

Нимагаям шу жадвални тўлдирдим, деб ўтирган эдим, қўшни кўчада яшайдиган, кўпчилик хуш кўрмайдиган киши кириб келди. Салом аликдан кейин муддаога ўтиб:

— Хабарингиз бор, ўтган йили қизимизни чиқарган эдик. Куёв икки ой бўлди касал ётибди. Қизимиз бояқиш жуда қийналиб кетди. Куёвнинг аҳволи шу бўлса, ёш умрини хазон қилмай, тинчгина уйга олиб келсаммикин, деган режам бор, — деди мижғовланиб.

— Куёвингиз ҳали ёш-ку, ажабмас, Аллоҳ шифо бериб, соғайиб яна рўзғор аравасини тортиб кетса, — дедим унга ачинган бўлиб.

У энди асл муддаога ўтди:

— Қўшнилари айтишяпти, фаришталарга йўлиқибсиз, башоратларингиз тўғри чиқаётганмиш. Куёвимизнинг тузалиш ёки тузалмаслигини айтиб берсангиз, — деди янада юмшоқ супирги бўлиб.

Индамадим.

— Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин, телевизорингиз анча эскириб қолибди, японларнинг энг олди телевизоридан олиб бераман. — деди кўкрагини озгина кўтариб.

Тутақиб кетдим. Мунгайиб ўтирган кишини айвондан отиб юбормоқчи бўлдим. Авзойимни кўрган маҳалладошим чўчиб ўзини сал орқага олган бўлди-да шошиб:

— Бу хислат ҳаммадаям бўлавермайди пичофингиз мой устига тушибди-ку, — деди кўзи чақнаб.

Бирдан фикрим ўзгарди. Тўхта маҳалламизда бир-икки фолбин ҳам бор. Улар анча ўзини тўтиб олган. Димоғи кўтарилиб, хушига келса сўрашади, бўлмаса йўқ. Келган одамларни қайтармай, фолбинлик қилсам қалай бўларкин? Иморатнинг чала жойларини битириб, енгил машинали ҳам бўлармидим. Нима дейсиз, а, лаббай?

Садриддин ШАМСИДИНОВ.

ФУТБОЛ

(Халқвия)

Башорат қилиб балого қолдим

федерация вакилига берди. У таржимон ёрдамида йиғилиш муддаосини айтиб, мени юқорига таклиф этди.

— Чемпионат бошланмасдан олдин, мухлислар эътиборига жадвални ҳавола этгандик. Бизга тўлдириб юборилганлари текшириб чиқилди. Қаршингизда турган мана шу киши тўлдириб юборган жадвали амалдаги ўйинлар натижасига деярли тўғри келган. Шунинг учун биз ваъда қилинган совғани унга топширамиз, — деди.

Қарсақлар остида менга совға топширишди, чемпионат ғолиби бўлган жамоа аъзолари имзо чеккан тўп ҳам беришди. Маълум бўлишича, мен тўлдирган жадвалда учтўрт ўйинни ҳисобга олмаганда ҳаммаси тўғри келган.

Оғзим қулоғимда, футбол федерациясидан берилган совғани олиб уйга қайтдим. Машинадан тушишим билан қўшниқўшнилари ўраб олишди.



Биласанку, мен итимни жуда яхши кўраман. Қаердалигини айтиб бер, — деди росмана норози бўлиб.

У гапини тугатмаган ҳам эдики, бошига докарўмол ўраган бир кекса аёл яқинлашди.

— Қўшни, радиодан эшитдим, роса бошлаб башорат қилибсиз, совғаям ўшанга яраша бўлса керак? — деди кексароқ ҳамсоям кучоқ очиб келаркан.

— Тупша-тузук фолбин экансиз-у билмай юрарканмиз, — деди яна бири. Ҳаммалари табриклаб тарқалишди, уйга таклиф қилгандим, ҳазилкаш қўшним:

— Фол очиринг керак бўлса, кирармиз, — деди кулиб.

Ҳамма машмаша энди бошланди. Ишхонага кириб келишим билан ҳамкасбларим ўраб олишди. Бири менга ҳаваси келлаётганини айтса, иккинчиси, шу қобилиятингизни нега яшириб юргандингиз деб койиган бўлди. Юқоридан бир топшириқ олдим у хайтовур гап-сўздан қутулиб қочиб қолдим.

Кечки пайт уйга қайт-

— Илоҳим арвоҳлар қўлласин, туғилганигда ой тутилганди дейишарди ўшанда, башоратчи бўлишингни аён берган экан-да.

Узоқ қариндошимизни аранг танидим, болалигимда бир-икки кўргандим. Шунча йил ўтиб йўқлаб келибди.

— Паҳлавондай набирам, бир йил бўлди бедарак кетган. Мана сурагини олиб келдим, башорат қилиб кўрчи, қаердалиги кўзингга кўринар, — деди кўзига ёш олиб.

— Айланай жиянимдан, бувам раҳматли айтгандилар, аждодимиздан бири номдор башоратчи ўтган экан, суяк сурган-да, — деди яна бир "қариндошим".

Мени йўқлаб келганларнинг ўзларига яраша дарди бор эди. Кимнингдир машинаси йўқолган, яна кимнидир эри ташлаб кетган..."

«Энг яхши шеър» танловига

БАҲОРНИНГ ЛОЛАСИ

(ХАЛҚИМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ШОИРИ
МУҲАММАД ЮСУФНИ ЭСЛАБ)

Гузоришда сўлди энг сара лоланг,
Ногоҳон кўларга ўрлади ноланг.
Сени юрагидан севгувчи боланг,
Азиз бир фарзанддан айрилдинг, халқим...

Муҳаббат осмони қолди куёшсиз,
Ёзилмаган шеърлар йиғлади ёшсиз.
Шеърят мухлисига тамом бардошсиз—
Чексиз муҳаббатдан айрилдинг, халқим...

Қадрларди берган туз-нонларингни,
Ҳис қиларди чеккан афюнларингни.
У марғур сўзларди армонларингни,
Эх, қандай жўмарддан айрилдинг, халқим...

Эй ўзбек аёли, сенга фидо жон,
Эй мўтабар она, сенга шараф-шон.
Юртинг кўксини қилгувчи қалқон,
Шер юрак бир марғурдан айрилдинг, халқим,
Эссиз, Муҳаммаддан айрилдинг, халқим...

Содиқжон РЎЗИМАТОВ,
милиция сафдори.

САЛОМАТЛИК САҲИФАСИ



ДОРИНИ НИМА БИЛАН ИЧИШ КЕРАК?

Баъзилар дорини чой билан ичишади. Айримлар сув билан ичиш керак дейишади. Хўш, қайси бири тўғри?

Сув ўрнига чойдан фойдаланилганда ҳеч қандай зарари бўлмайди. Аммо дорининг нафи камайиши мумкин. Шунинг учун тавсия берган шифокордан уни қандай қабул қилиш маъқуллигини сўраб олинг. Мабодо сўрамаган бўлсангиз, сув билан ичаверинг – адашмайсиз.

Айримлар дорига кўшиб қанча кўп сув ичилса, шунча яхши, ҳақдори осон, тез эрийди, деб ўйлашади. Аммо ҳозирда баъзи дориларнинг изоҳномаларига озгина сув, чой ёки сут билан ичиш лозимлиги ёзилган.

Маъданли сув сульфаниламид ва панкреатингагина тўғри келади. Йод препаратларини фақат сут билан ичиш керак. Уйқудорилар (барбитуратлар) илиқ ширин чой билан ичилади. Айрим мева шарбатлари дориларнинг салбий таъсири кучайтиради. Спиртли ичимликлар бирорта ҳам дорига тўғри келмайди.

ТЕРМОМЕТР СИНСА

Дейлик беҳосдан уйингиздаги термометрни синдириб қўйдингиз. Ичидаги симоб полга сочилиб кетди. Нима қилиш керак? Йирик доналарини қаттиқ қоғоз устига қўлингизни теккизмасдан йиғиб олинг.


Майдаларини глицерин ёки ўсимлик ёғига намланган латта ёрдамида йиғиштиринг. Симоб шарчаларини ахлат идишига, хожатхонага ташлашни, оқава сув қувурида оқизиб юборишни, ташқарига ташлашни ҳаёлингизга ҳам келтирманг. Уни туман санэпидстанциясига топшириш керак.

ЯПОНЧА УХЛАШ

Орамизда уйқусизликдан қийналадиганлар учраб туради. Улар кўзлари илиниши учун нималар қилишмайди, дейсиз. Минггача санаб ҳам кўришади, ҳақдори ҳам ичишади. Японлар уйқусизликни қуйидаги усул ёрдамида енгишар экан:

улар тўшақда ётиб, оёқларининг учини 50 марта олдинга-орқага ҳаракат қилдиришади. Ёки бошининг орқа томонига ингичка таёқча қўйиб, уни кафтлари ёрдамида 30 марта пастга-юқорига думалатишади. Айна пайтда бошини секин ўннга-чапга чайқаб туришади.

Аммо барибир уйқусизлик сабабини яхшилаб текширтиринг. Масалан, тумов, астма, тутқаноқ каби кўплаб касалликлар, ҳатто оддийгина хуррак отиш ҳам уйқусизликка сабаб бўлиши мумкин. Аллергияга қарши, гормонал, оғриқ қолдирувчи, йўталга қарши дорилар ҳам уйқу бузилишига олиб келади. Балки сиз ақлий меҳнат туфайли жуда чарчагандирсиз. Оғир жисмоний меҳнат қилиб, бутун аъзои баданингиз оғриганда ҳам ухлашингиз қийин, албатта.



ЯЛАНГОЁҚ ЮРИШ ФОЙДАЛИМИ?

Ҳозир кўпчилик организмни чиниқтириш аксар касалликларнинг олдини олиши ҳақида гапирди. Масалан, нафақат ёзда, балки салқин фаслларда ҳам ялангоёқ юриш тарафдорлари бор. Хўш, бу ростдан ҳам фойдалими?

Баъзилар эса оёқни иссиқ тутиш керак, дейишади. Ҳақиқатан ҳам қишда пойафзалнинг юпқа бўлса, кўп ўтмай совқотасиз. Киши бутун қиш бўйи қўлқопсиз юриши мумкин. Аммо оёғи нам бўлиши билан тумовга чалинади. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Сабаби оддий. Аксар одамлар болалиқдан қўллари ҳеч нарса кийишмагани учун бу аъзо атроф-муҳитдаги об-ҳаво ўзгаришларига кўниккан бўлади. Аммо оёқни ҳам чиниқтириш мумкинлиги қадимдан маълум.

Бекорга бурунги одамлар кўпинча ялангоёқ юришмаган ёки энгил, юпқа пойафзал кийишмаган. Вақт ўтиши билан мода кетидан кувиб пайпоқ, туфли, ҳатто этик кийишга ўтишди. Аммо XIX аср охирида яна ялангоёқ юришнинг нафи ҳақида эслаб қолишди. Турли мамлакатларда ҳўл майсазор,

тошлар, қор устида, саёз дарёда ялангоёқ юриш усуллари ишлаб чиқилди. Пайпоқсиз кийиладиган энгил сандаллар тайёрлана бошланди.

Ҳозирги пайтда кўплаб илмий ишларда совуқ сув нафақат терини, балки бутун организмни, асаб ва қон айланиши тизимини чиниқтириши тасдиқланган. Шунинг учун иложи борича ялангоёқ юринг. Айна пайтда устингиздан совуқ сув куйиш, ҳўл сочиқда артиниш, ҳаво ваннаси каби чиниқтириш усуллари ҳам эсдан чиқарманг.

БЕШ ДАҚИҚА КИФОЯ

Деярли ҳамманинг вақти-вақти билан бўйни оғриб турса керак.

Оғриқни оддий машқлар ёрдамида ҳам камайтирса бўлади. Фақат ҳар куни ҳеч бўлмаганда беш дақиқа вақтингизни аямасангиз бас. Бу машқларни ҳамма жойда: уйда, ишда, ҳатто транспортда ҳам бажарса бўлади. Машқлар кўп ўтириб ёки тик оёқда туриб ишлайдиганларга фойдали.

● Ўнг кафтингизни ўнг бетингизга қўйинг. Қўлингиз ёрдамида бошингизни чап томонга қийшайтиришга ҳаракат қилинг. Айна пайтда бошингиз билан қаршилиқ кўрсатинг. Энди чап қўлингиз ёрдамида машқни такрорланг.

● Бармоқларингизни чалиштириб, қўлларингизни пешонангизга қўйинг. Гўё бошингизни орқага қайирмоқчидай ҳаракат қилинг. Шу аснода бўйнингизнинг мушакларини таранглаштириб бунга қаршилиқ кўрсатинг.

● Муштарингизни устма-уст қилиб ияингизнинг остига қўйинг. Бошингизни пастга эгишга ҳаракат қилинг. Қўлларингиз эса қаршилиқ кўрсатсин.

● Қўлларингизни чалиштириб, кафтларингизни бошингизнинг орқасига қўйинг. Бошингизни орқага қайиришга ҳаракат қилиб, бунга қўлларингиз билан қаршилиқ кўрсатинг.

● Бошингизни ўннга хиёл буриб, ўнг кафтингизни чап бетингизга қўйинг. Юзингизни чапга бурмоқчи бўлиб, ўнг қўлингиз билан қаршилиқ қилинг. Энди машқни чап кафт ёрдамида бажаринг.

● Бошингизни ўнг елкангизга қийшайтиринг. Чап кафтингизни чап чаккангизга қўйинг. Аста-секин қаршилиқни энгиб 5-7 гача санагунча бошингизни тўғриланг, сўнг яна асл ҳолига қайтаринг. Машқни 2-3 марта такрорланг.

● Ияингизни кўксингизга эгиб, кафтларингизни бошингизнинг орқасига қўйинг. Қўлларингизнинг қаршилиқни энгиб 5-7 гача санагунча бошингизни тўғриланг. Машқни 2-3 марта қайтаринг.



ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Егуликларга бефарқ кишилар камдан-кам топилса керак. Ширинликлар эса болаларнинг жони дили. Аммо баъзан ёшингизга боғлиқ бўлмаган ҳолда баъзи сеvimли егуликлардан вақтинча ёки бир умр тийилишингизга тўғри келади. Айниқса, қандли диабетга чалинсангиз. Балки қуйидаги маслаҳатлар уларга асқотади.

● Дафна (лавр) барги организмдаги қанд миқдорини камайтириш хусусиятига эга. Унинг ўнта япроғини стаканга солиб, устига қайноқ сув қуйиб, 3-4 соат тиндириб қўйилади. Сўнг кунига уч марта ярим стакандан ичилади.

● Организмда углевод алмашинуви бузилганда, сули дони яхши воситадир. 100 грамм сули донининг устига уч стакан қайноқ сув қуйилиб, яна 15 дақиқа қайнатилади. Ҳосил бўлган қайнатма кунига овқатдан олдин 3-4 марта ярим стакандан ичилади.

● Бир стакан ёғсиз қатикқа қаҳва майдалагичдан чиқарилган бир ош қошиқ маржумак (гречиха)ни яхшилаб аралаштириб, бир кечадан сўнг эрталаб, нонушадан ярим соат олдин ичсангиз, углевод алмашинувига ижобий таъсир қилади.

● Эсингизда бўлсин! Қандли диабет қонда қанд миқдорини қатъий назорат қилишни талаб қилади. Шунинг учун юқоридаги маслаҳатлардан фойдаланишдан олдин даволовчи шифокорингиз билан маслаҳатлашинг.

Жиноятга жазо муқаррар!

Якшанба куни Нукусдаги Марказий бозор ҳар доимгидан гавжум бўлади. Бу ерга Қорақалпоғистоннинг турли туманлари, шаҳар ва қишлоқларидан кимдир ўз молини сотгани, бошқа биров олгани келади. Шу сабабли ҳам бозорнинг тўрт томондаги дарвозасини тирбанд кўриш мумкин.

— Чойхонага кирмай кўя қолайлик, — деди тонг саҳарда бозорга келган икки кўшнадан бири. — Иссиқда нима қиламиз қийналиб? Яхшиси, иккита нон билан мева олиб, четроқ жойда нонушта қилиб олайлик.

Улар елим халтадаги нон, бодринг, помидорларни кўтарганча, бозорнинг ёнидан оқиб ўқувчи "Қизкетган" каналига қурилган кўприк остига — соя-салқин сув бўйига тушиб боришди. Лекин ҳамқишлоқларга бу жойда нонушта қилиш насиб этмаган экан.

— Оббо, шу жойни ҳам мастлар макон қилишибди, — улардан бири нарироқда чўзилиб ётган эркакни кўриб, гижинди. — Юр, ҳов анави томонга борамиз.

— Тўхта, бу мастга ўхшамайди — ҳайратланиб шеригига қаради иккинчиси ва ётган одамга яқинроқ борди. — Ҳамма ёғи қон. Ўлиб қолган бўлмасин тагин?

Кўшнилари нонуштани ҳам унутиб, милиция таянч пункти томон шошилдилар.

Қотиллик жинояти қақдаги хабар келиши билан Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосарлари, милиция полковниклари С. Палванов, Ў. Турдақов, ЖК ва ТҚКБ ҳамда ЭКБ, прокуратура ходимлари воқеа жойига етиб боришди.

Кўприк остида, шундоққина сув бўйида ётган мурданинг юз-кўзи аралаш боши мажақланган, эгнидаги кийимлари қонга беланган, чўнтагида бироррта ҳам ҳужжати йўқ

эди. Шунинг учун унинг шахсини аниқлаш осон бўлмади. Бундан ташқари, мурданинг атрофидан бирорта далилий ашё топилмади. Чамаси, у бошқа ерда ўлдирилиб, бу ерга олиб келиб ташланганди.

Тезкор гуруҳ аъзолари тўрт кун давомида тинимсиз суриштирув ишларини олиб боришди. Саъй-ҳаракатлар зое кетмади. Тўртинчи куни Марказий бозорнинг "кунда-шун-

монга йўл олдик, — дейди 26 ёшли Қодир. — Уччовимизнинг ҳам спиртли ичимлик ичкимиз келар, лекин пулимиз йўқ эди. Турли режалар тузиб, пул топишга уриндик. Лекин натижа чиқмади. Шундан кейин илгари судланиб, анча "тажриба" орттирган укам Халбай кўприк устида йўлтўсарлик қилишга кўндирди.

Қоронғулик қуюқлашиб, йўловчиларнинг

— яна унинг йўлини тўсди Қодир. — Борасан-да, кўзлаган манзилингга. Агар сигаретинг бўлмаса, пулдан чўз, ўзим сотиб оламан.

— Пулим озроқ эди-да. Болаларга нон олиш учун чиққандим. Бозор тарқалиб қолибди.

— Шунинг учун пулни ташлаб кет деяпмиз-да, — орқада турган Нарбай сабрсизлик билан йўловчининг олд томонига

ган уч ака-укага ёнидаги пулни беришни хаёлига ҳам келтирмади. Аксинча, уларни инсофга чақириб, панд-насихат қила бошлади. Лекин насихатгўйлиги узоққа бормади. Орқа томонидан бошига урилган қаттиқ зарбадан бор-бўйи билан йиқилди.

Абилнинг шафқат сўраб ялиниб ёлворишлари ака-укаларни бадгар қутуртирди. "Бер, деганда пулни бериб кетаверсанг тиррик қолардинг. Гап қайтаришнинг жазоси мана шунақа бўлади", деди улардан бириси қимирлашга мажоли қолмаган Абилнинг юз-кўзига косадек тош билан уриб.

— Бўлди қилинглар, дабдаласи чиқди, — Қодир укаларини тўхтатди. — Халбай, киссаларини қара, нима бор экан?

Беш юз сўм пулдан бошқа ҳеч вақо йўқ, — деди Халбай чўнтақларини бирма-бир қараб чиққач.

— Яхши. Ҳеч бўлмаса, винога етади. Буни нима қиламиз?

— Сувга ташлаймиз.

Уччовлон боя Абилни урган тошларни олиб, сувга отишди. Қоронғуда сувнинг шалопаган овози эшитилди.

— Тезроқ қимирланглар, машина келаяпти! — ака-укаларини шоширди Халбай.

Қотиллар зилдай оғир бўлиб қолган мурдани аранг кўтариб, кўприкнинг остига олиб келдилар. Амаллаб, панжарадан ошириб, сувга ирғитишди. Лекин бу гал тапиллаган овоз эшитилди. Газандалар бунга аҳамият беришмади. Сабаби, машина чироклари йўлни ёритиб, тобора яқинлашиб келарди...

Тергов давомида уч ака-ука Нукус шаҳри ҳудудида анчагина ўғирликлар содир этгани аён бўлди. Бундан ташқари, уларнинг Чимбой, Қораўзак, Нукус туманларида яшовчи жиноий шериклари ҳам аниқланиб, қўлга олинди. Ушбу тўда турли хилдаги саккизта жиноятни содир этгани далилий ашёлар билан фош этилди.

Маҳмуд АБДУЛЛАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
ИИБ ЖК ва ТҚКБ бўлим бошлиғи,
милиция подполковниги.



да"лари — майда ўғрилиги ва безорилиги билан кўпчиликка отнинг қашқасидек танилган ака-ука Е. Қодир ва Халбайлар гумонланиб, қўлга олиндилар. Улар қилмишларини оқизмай-томизмай гапириб беришгач, Нукус туманидаги қишлоқлардан бирида яшовчи яна бир гумондор — Нарбай ҳам ушланди.

— Шанба куни кеч кириб, бозорда одам қолмагач, укаларим Халбай ва Нарбай билан бироррта ўлжа топиш илинжида "Қизкетган" канали то-

қадами тийилди. Кўприкдан бирортасининг ўтишини кутиб, бир четда пусиб ўтирган ака-укаларнинг тоқати тоқ бўла бошлади.

— Шу пайт кимнингдир шарпаси сезилди, — кўрсатма беради Халбай. — У яқинроқ келгач, Нарбай иккимиз билдирмай орқа томонга ўтдик. Қодир акам унинг йўлини тўсиб, сигарет сўради...

— Мен чекмайман, — деди йўловчи рўпарасида турган Қодирни айланиб ўтишга уриниб.

— Қаёққа шошаяпсан?

— Нон йўқ бўлса, ароқ, вино бор. Бўл тез, пулни чиқар!

— Нарбай, йўлтўсарлик қилишга уялмайсанми? Ака-укалар шу "касб"ни танлаган экансизлар-да? Яхши эмас, — деди йўловчи уларни таниб қолиб.

Нарбай, Қодир ва Халбайлар ҳам шаҳардаги кичик туманлардан бирида яшовчи Абилни танишди. Энди унинг пулини олгач, гувоҳ қолдирмаслик учун ўзини "гум" қилиш лозимлиги уччовининг хаёлини банд этди.

Абил йўлни тўсиб тур-

Бухоро вилояти ИИБ ЖИЭБга қарашли муассаса маъмурияти ва шахсий таркиби муассаса бошлигининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги М. Хайруллаевга падари бузруквори **ХАЙРУЛЛА отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Транспорт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби нефть маҳсулотларини кузатувчи бўлинма милиционери, милиция сержанти **Фарҳод ФОЗИЛОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдardлик билдирадилар.

Республика ИИБ Тиббиёт бошқармаси "Зарафшон" санаторияси раҳбарияти ва шахсий таркиби санатория ходими **Ислом Жўраевнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдирадилар.

Фаолиятимиз баҳоси

АНКЕТА САВОЛЛАРИ

1. "Постда" газетасини неча йилдан бери мутолаа қиласиз? Ушбу нашр билан илк бор қандай вазиятда танишгансиз?
2. Газетани қандай йўл билан оласиз: обуна бўласизми, сотиб оласизми ёки танишлардан олиб ўқийсизми?
3. Сизнингча "Постда" газетаси бошқа нашрлардан қайси томонлари билан фарқланади?
4. Кейинги бир-икки йил ичида газетада муайян ўзгаришлар сезилдими?
5. Газетада ёритилаётган мақолаларнинг қайси туркумини мунтазам мутолаа қилиб борасиз?
 - публицистика;
 - ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ишлар, хабарлар, янгиликлар, ташаббуслар;
 - ички ишлар ходимларининг фаолияти ва ўқуви ҳақидаги мақолалар;
 - "Учинчи олам", "Ниҳол" саҳифаларида ёритилаётган бадиий адабиёт намуналари, кроссвордлар, ўзига хос воқеалар;
 - хориж билан боғлиқ мақолалар;
 - Ҳамдўстлик давлатлари ва чет эл мамлакатлари ҳуқуқ-тартибот посбонлари тўғрисидаги материаллар;
 - маданий ҳаёт ва ижтимоий муаммолар;
 - жисмоний тарбия ва спорт.
6. "Постда" газетаси сиз хизмат қилаётган бўлинмада муҳокама қилинадими? Умуман, газета доирасида қандай ишлар амалга оширилади?
7. Сизнинг назарингизда газета ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ислохотларни қай даражада ёритиб бораёпти?
8. Эслаб кўринг-чи, сизга кейинги пайтда газетада ёритилган қайси мақола кўпроқ маъқул бўлди ва аксинча улардан қайси бири ёқмади?
9. "Постда" газетасига бирор масала юзасидан ёки мақола ёзиб мурожаат қилгансизми?
10. Газетамизнинг ранг-баранг ва ўқимишли чиқиши учун яна қандай мавзуларга мурожаат қилишимизни лозим деб ўйлайсиз?

МУШТАРИЙЛАРИМИЗНИНГ ЖАВОБЛАРИ

1. "Постда" газетасини кўп йиллардан буён мутолаа қиламан.
2. Туман ички ишлар бўлимида ишлайдиган ўғлим обуна бўлади.
3. Жамиятимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгиликларни қамраб олган. Умуман, бошқа нашрлардан серқирралиги билан фарқланади.
4. Албатта. Мазмунан бойиди, янада ранг-баранг бўлди.
5. "Дунё ҳафта ичида", "Учинчи олам", "Саломатлик" саҳифаларида ёритилаётган мақолалар доим эътиборимни тортади.
6. Ўқимишли мақолаларни кўшнилар, шунингдек, оила даврасида муҳокама қилиб, фикрлашамиз.
7. Таҳлилий материаллар кам, назаримда.
8. Журналист Ш. Худойбердиеванинг мақолаларини қизиқиш билан ўқийман. Чунки улар мазмунли, ўзига хос услубда ёзилади.
9. Йўқ.
10. Муштарийлар, жамоатчи мухбирларнинг мақолаларидан кўпроқ фойдаланилса, газета ранг-баранг ва ўқимишли бўлади.

Ташбўри ШОНИЁЗ ўғли,
Сурхондарё вилояти,
Қизириқ тумани "Кунчиқиш" маҳалласи.

БИР КУНИ...

АЙЁРЛИК ҚЎЛ КЕЛДИ

Жиноят содир этган бир лўли аёлни қўлга олиш ҳақида роса бош қотирдик. Тўғридан-тўғри бориб ушлаб келиш анча қалтис иш. Чунки лўли аёллар кўчани бошига кўтариб, бақириб, кўни-қўшнилари йиғади.

Суриштирсам унинг эри уйдан чиқиб кетганига икки ойлар бўлган экан.

Эрининг яқин танишлари сифатида аёлнинг олди-га бордим.

- Сизни илгари кўрмаган эканман, - деди у.
- Бу ёққа яқинда кўчиб келганмиз, - дедим.
- Нима иш қилляпти у қоранг ўчгур ўртоғингиз, - деди аёл қошларини чимириб.
- Икки болаи аёлни топиб олибди. У анча бадавлат кўринади, эрингиз роҳат-фароғатда яшаяпти, - дедим унга ачинган бўлиб.
- Мени унинг олдига оборинг, бу ерга тўрт боласини боқаман деб ўғрилиқ қилишгача борсаму, яшшамагур бойвачча хотин билан беклардек яшаяптими.
- Аёлнинг бу гапи айни мударо бўлди.
- Майли олиб бораман, лекин мени сотмайсиз, - дедим.

Аёл кўнди ва кўшниларида бирига:

- Уйимга кўз-қулоқ бўлиб тур, эримни олиб келай, бой хотин топиб олганимиш, - деди, шанғиллаб ва машинага ўтирди.

Ҳамкасблар билан келишилгандек аёлни туман ИИБнинг орқа дарвозаси олдига олиб бордим. Бизни кутиб олган йигитларни кўрган аёл қўлга тушганини билди. Бу ерда нафақат шовқин кўтариш ҳатто қаршилик кўрсатиш фойдасиз эканлигини сезиб, индамай қолди.

Пайзимурот ЭШМУРОДОВ,

Жиззах туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ бошлиғи,
милиция капитани.

КРОССВОРД

1. Ҳашорат.
2. Ёшлар ижтимоий ҳаракати.
3. Дала машинаси.
4. Ором.
5. Киракаш автомобиль.
6. Андиша.
7. Тошкент вилоятидаги шаҳар.
8. Гул тури.
9. Рўзгор буюми.
10. Ниш.
11. Ташаккур.
12. Мўйнали ҳайвон.
13. Дастлабки.
14. Йўл-йўриқ.
15. Қўшиқ.
16. Республикамикамиздаги дарё.
17. Қимматбаҳо тош.
18. Телба.
19. Ит зоти.
20. Меҳнат.
21. Суяқ овқат.
22. Доимо яшил дарахт.
23. Ўт, оташ.
24. Цитрус мева.
25. Усти ёпиқ ҳовуз.
26. Эс, хуш.
27. Хоразимча рақс.
28. Тежамкорлик.
29. Рўмол.
30. Ширинлик.
31. Ҳушрўй.
32. Рўза ойи.
33. Нок тури.
34. Интизор.
35. Тошкентдаги эски маҳалла.
36. Хитойдаги шаҳар.
37. Отлар подаси.
38. Осиёдаги давлат.
39. Мураккаб.
40. Иллат, айб.
41. Қушнинг эркаги.
42. Металл.
43. Узум нави.
44. Об-ҳаво.
45. Тарбиячи.
46. Кимёвий элемент.
47. Рўзно-малардан бири.
48. Қатъият.
49. Иш қуроли.
50. Тантана, шодлик куни.
51. Қўлдаги мол-дунё.
52. Андижон вилоятидаги туман.
53. Кўчманчи қуш.
54. Цирк майдони.
55. Ҳеч қачон.
56. Қимматбаҳо металл.
57. Ризқ.
58. Оналар кўшиғи.
59. Республикамикамиздаги автошаҳар.
60. Тоғ қўйи.
61. Текис, силлиқ.
62. Ширинлик.
63. Сараланган.
64. "Қуллар" асари муаллифи.
65. Ҳамроҳ.
66. Шубҳа, гумон.
67. Оз.



Файзулла АБДУЛЛАЕВ
тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

- ЭНИГА: 9. "Қасам". 10. Мақом. 11. Мовут. 12. Тилак. 13. Роман. 14. Намат. 15. Товоқ. 16. Қомат. 25. Фараз. 26. Зидан. 27. Нодир. 28. Ребус. 29. Роҳат. 30. Товон. 31. Нотик. 32. Қомус. 41. Насаф. 42. "Фобус". 43. Содик. 44. Қанот. 45. Поташ. 46. "Широк". 47. Қовоқ. 48. Қонун. 57. Кураш. 58. Шаҳар. 59. Ролик. 60. Какао. 61. Ботир. 62. Ривож. 63. Жиллов. 64. Волга.
- БЎЙИГА: 1. Кабоб. 2. Қалам. 3. Наган. 4. Борат. 5. Бодом. 6. Рубоб. 7. Китоб. 8. Фалак. 17. Баҳор. 18. Масал. 19. Нишон. 20. Тагор. 21. Мотор. 22. Билим. 23. Бетон. 24. Кумуш. 33. Работ. 34. Лапар. 35. Норин. 36. Робот. 37. Ротор. 38. Мисол. 39. Намоз. 40. Шотут. 50. Радио. 51. Нафис. 52. Тарок. 53. Розий. 54. Лимон. 55. Завод. 56. Тайга.

ЭЪЛОН

ҲУРМАТЛИ
ҲАМШАҲАРЛАР!

Сиз хизматда, сафарда, меҳмонда, дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида, кино ва театрда, кундалиқ ташвишлар билан бозор ва транспортларда юрган пайтингизда хонадонингиз ва мулкнингизни жиноий тажовузлардан ким ҳимоя қилади?

Бундай хизматни шахримиздаги Марказлаштирилган кўриқлаш пульталари бажаради. Ушбу пульталар бу борадаги энг ишончли ва иқтисодий жиҳатдан энг арзон кўриқчидир.

Хонадонингиз ва мулкнингиз дахлсизлигини истайсизми?

Марҳамат қилиб, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси хузуридаги кўриқлаш бошқармаси ва туман кўриқлаш бўлимларига мурожаат қилинг!

ТЕЛЕФОНЛАР: 133-37-83, 134-01-69, 133-01-44

... ВА НИҲОЯТ

ЯХШИ БЎЛСАНГ
ЕЙСАН ОШИНГНИ...

Шаҳар театрларидан бирига жуда жаҳлдор актриса ишлар, ҳаммага, айниқса, сахна ишчиларига ҳеч тинчлик бермасди. Шу хонимга оилавий воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи трагедия жанридаги спектаклдан роль беришди. Унинг қаҳрамони асар сўнггида бошини деворга қаттиқ уриши ва хушидан кетиши керак эди. Худди шу ерда ниҳоятда жондан тўйган сахна ишчилари актрисага сабоқ беришга аҳд қилишди ва юмшоқ "девор" ўрнига темирдан ўрнатишди.

Трагедия томошабинларга жуда ёқди...

КЕЙИНГИ СОНДА УЧРАШГУНЧА ХАЙР!

ЎЗБЕКISTON
RESPUBLIKASI IIV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir
Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir
o'rinbosari
Erkin
SATTOROV

Mas'ul kotib v.b.
Sadriiddin
SHAMSIDDINOV

Navbatchi
Qobiljon
SHOKIROV

Sahifalovchi
Zokir
BOLTAYEV

TELEFONLAR:

Bosh muharrir
o'rinbosari 54-37-91.
Kotibiyat 139-73-88.
Muxbirlar 59-27-15.
139-77-23.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001,
MFO 00421.

«I'pak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat
bankining Mirzo
Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA
2003 YIL 24 NOYABRDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-000442.
Bosilish — ofset usulida.

● Ko'chirib bosishda «Postda» dan
olinganligini ko'rsatish shart

● Muallifning mulohazasi tahririyat
fikriga mos tushmasligi mumkin.
Maqolada keltirilgan misollar,
raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi
uchun mualliflar javobgardirlar.

● Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi
va qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366

Gazeta haftaning payshanba
kunlari chiqadi.

Bosishga topshirish vaqti — 20.00.
Bosishga topshirildi — 20.00.

Toshkent matbaa
kombinatida chop etildi.

Korxonalar manzili:
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Ⓝ — Internet va xorijiy
matbuot vositalari asosida
tayyorlandi.